Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 217 (20. 185) • 1988 йил 21 сентябрь • чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

НАВБАТ АМАЛИЙ ИШГА

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЖАНГОВАРЛИГИ КЎРИГИНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ ҚАНДАЙ ЎТЯПТИ?

Республикамиз бошланғич партия ташкилотлари жанговарлик кўрниги давом этмоқда. Партия ишини қайта қуриш талаблари асосида ўтказилаётган бу муҳим тадбир партия ички ҳаётида туб бурилиш ясаш, унинг фаолиятини, коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Жанговарлик кўригининг дастлабки босқичи муваффақиятли якунланди. Кўрик комиссиялари тузилиб, улар қатъий план асосида коммунистлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказишди, партия ташкилотлари фаолиятини чуқур ўрганишди, билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар асосида батафсил характеристика лойиҳалари тайёрлаб, очиқ партия йиғилишлари муҳокамасига киритдилар. Кўрикнинг дастлабки босқичи юксак активлик ва ишчанлик вазиятида ўтди. Масалан, кўп коммунистлар ўз партия ташкилоти ва юқори партия органлари ишига доир фойдали таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар. Партия бюролари уларнинг ярмидан кўпроғи юзасидан амалий чоралар кўришди. Бундай кенг кўламли фикрлашув навбатдаги босқичнинг муфассал ва аниқ планларини ишлаб чиқиш имконини ҳам берди.

Ҳозир жанговарлик кўригининг янада масъулиятли босқичи боряпти. Таклиф ва мулоҳазалар асосида белгиланган планлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бажарилаётган ишларнинг моҳияти шундан иборат бўляптики, бошланғич партия ташкилотлари КПСС XXVII съезди, XIX Бутииттифоқ партия конференцияси қарорларини бажариш борасидаги фаолияти янги сифат касб этмоқда, партия коллективларида ўзаро талабчанлик муҳити вужудга келаётир, демократия ва ошкоралик жорий этилмоқда, коммунистларнинг КПСС Устави ва Программаси талабларини қатъий бажаришларига эришиляпти.

Коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестацияси давом эттирилаётган Тошкент области партия ташкилотларида бу борада, айниқса, ибратли ишлар қилинмоқда. Масалан, 153-қурилиш трестида партия ташкилоти эътирози бўлган коммунистлар билан якка тартибдаги суҳбатлар талабчанлик ва принципиаллик вазиятида ўтмоқда. Аттестация комиссияси баъзи коммунистларнинг пассивлиги сабабларини ўрганар экан, бунда қайси жиҳатлар уларнинг ўзларига, қайси жиҳатлар эса партия ташкилотига боғлиқ эканлигини аниқлади. Партия йиғилишида ана шу суҳбатлар якуни, комиссия киритган таклифлар кўриб чиқиляпти. Ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда коммунистлар активлигини, авангардлик ролини оширишнинг барча имкониятлари ишга солинмоқда. Булар ўз навбатида ишлаб чиқаришга самарали таъсир кўрсатяпти. Трест коллективи план топшириқларини муддатида бажариб келяпти. Илғор коммунистлар сафи кенгайди. Жанговарлик кўриги ана шундай ибратли ўтаётган партия ташкилотлари кўп.

Жанговарлик кўригининг ҳозирги босқичида партия ташкилотлари фаолиятининг ибратли ва заиф томонларини ўрганиш, алоҳида эътибор лозим бўлган коммунистлар билан якка тартибда иш олиб бориш янада кучайтирилади.

Баъзан шундай ҳам бўлади: коммунист ишлаб чиқаришда ўзини яхши томондан кўрсатади, план-топшириқларини ҳамиша ошириб бажаради, лекин партия ва жамоат ташкилотлари фаолиятида фаол қатнашмайди. Шу ўринда нега шундай бўляпти, деган саволга жавоб топиш лозим бўлади. Агар у партиявий бурчини унутиб қўйган бўлса, бу ҳақда эслатиб қўйиш жоиздир. Шу билан бирга коммунистларга бериладиган топшириқни уларнинг лаёқати ва иштиёқини назарда тутиб тақсимлаш, танқидий фикр ва мулоҳазаларга янада эътибор билан муносабатда бўлиш, қабул қилинаётган қарорлар таъсирчанлигини ошириш тўғрисида жиддий ўйлаш лозим. Коммунист қандай ўқияпти! Ўзининг ғоявий-назарий билимини, малакасини қандай ошираяпти! Бунинг учун барча имкониятлар яратилганми! Унинг аҳлоқий қиёфаси қандай! Турмушда, коллектив ўртасида, оиласида ўзини қандай тутяпти! Якка тартибда бўлган суҳбат пайтида ёки партия йиғилишида комиссия аъзолари ҳамда партиядош ўртоқлари айтган таклиф ва талаблардан тўғри хулоса чиқариб, ўз ишида ўзгариш ясай оляптими! Мана шу саволларга жавоб топиш ҳам кўрик давомида ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Партия ташкилотлари коммунистларнинг турмуши ва фаолиятига самарали таъсир ўтказишнинг жуда катта имкониятларига эга. Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув бирлашмаси, Фориш районидаги «Известия» газетаси номли совхоз ва бошқа бир қатор коллективларда пассив коммунистларни партия топшириғи бериб ва партия йиғилишларига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга жалб этиб, тарбиялаш йўлга қўйилган. Қувасой чинни заводи, Жомбой районидаги дон маҳсулотлари комбинати, Самарқанд чинни заводи партия ташкилотларида эса КПСС Устави талабларининг бажарилиши ҳақида коммунистнинг ахборот ва ҳисоботларини эшитиш, муҳокама қилиш каби услублардан муваффақиятли фойдаланиляпти. Аммо шуни унутмаслик керакки, қандай услуб қўлланилаётганидан қатъи назар, асосий мақсад амалий натижаларга эришишдан иборатдир.

Бироқ шошма-шошарлик, кампаниячилик, тадбирбозлик бу ишга катта зиён етказаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Иштихон районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотида жанговарлик кўригига расмиятчилик билан ёндашиляпти. Партия ташкилотининг секретари О. Бегматов кўрикка одатдаги тадбир сифатида қарамоқда. Китоб линия-эксплуатация бошқармасида эса кўрик жараёнида ҳар бир коммунист билан якка тартибда суҳбат ўтказилган, уларнинг айримларидан активликни ошириш талаб этилган бўлса ҳам, амалда шунга эришилмаяпти. Аҳвол аввал қандай бўлса, шундайлигича давом этмоқда. Бундан партия ташкилоти муҳим тадбирга расмиятчилик билан ёндашяпти, деган хулоса чиқариш мумкин, холос.

Партия комитетларининг вазифаси — бошланғич ташкилотларда жанговарлик кўригининг иккинчи босқичи ғоят талабчанлик билан ўтиши, белгиланган барча тадбирларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиши ва шу соҳадаги ишларни йўналтириб боришдан иборатдир. Бунинг учун кўрикнинг боришини бюро мажлисларида муҳокама қилиш, ўзаҳсус семинар-кенгашлар ўтказиш каби таъсирчан воситалардан самарали фойдаланиш лозим. Фарғона область партия комитети якинда кўрикнинг боришини ўрганиб чиқиб, энг яхши тажрибаларни умумлаштириди, шу билан бирга бу муҳим ишда йўл қўйилаётган нуқсонларни ҳам очиб ташлади. Ворошилов район партия комитети аниқлашича, Карл Маркс номли колхоз, 37- ва 41-механизациялашган кўчма колонналарда кўрикка юзаки ёндашилган, бошланғич партия ташкилоти белгилаган режаларнинг кўпи қоғозда қолиб кетган. Райком аралашганидан кейингина нуқсонлари барҳам топди. Ҳамма жойда ҳам ана шундай камчиликларга вақтида тегишли баҳо бериш, партия ташкилотлари фаолиятини активлаштириш, уларнинг эътиборини тарбиявий иш ва муҳим хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қаратиш даркор.

Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўригидан асосий мақсад фан-техника тараққиёти асосида, интизом, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаб коммунистларнинг юксак ижодий активлиги ва шахсан масъуллигини ошириш орқали социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминлашдан иборатдир. Кўрик бошланғич ташкилотлар жанговарлигини, коммунистлар масъуллигини оширишга, КПСС XXVII съезди, XIX Бутииттифоқ партия конференцияси қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда меҳнат коллективларида уларнинг ролини кучайтиришга қаратилгандир. Кўрик қанчалик пишиқ-пухта, масъулият ва талабчанлик вазиятида ўтса, олдга қўйилган муҳим вазифалар ҳам тўла амалга оширилади.

Сиз суратда кўриб турган мана бу аёл Пастдарғом районидаги К. Маркс номли колхознинг Шоди Шарипов бошлиқ бригадаси аъзоси Сабоҳат Ҳакимова. У шу кунларда чеварлар ўртасида пешқадам. Унинг нияти мавсумда етти тонна пахта териб бериш.

Ғ. АЛИЕВ фотоси.

Икки бригада зафари

Уйчи районидаги «Комсомол» колхозида икки бригада маррага етди. Зокиржон Сотиболдиев бошлиқ бригада деҳқонлари 200 гектар майдонга экилган «Уйчи-2» навли пахтадан 120 тонналик хирмон уйди. Коллектив ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун курашмоқда. Айниқса, оилавий пудрат звенолари меҳнатда катта ютуқларга эришдилар. Эминжон Абдураҳмонов бошлиқ оилавий звенода ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Камолиддин Нортожиев, Абдурасул Отахонов, Қутбиддин Ҳусанов бошлиқ оилавий звеноларда бу кўрсаткич 30—33 центнерни ташкил этди.

Хўжаликнинг Тўрабой Жўраев бошлиқ бригадаси эса гектаридан 23,5 центнердан ҳосил олиб, йиллик маррани эгаллади. Миришкорлар ялпи ҳосилдорликни 33 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Ф. ИЎЛЧИЕВ.

Йиллик план бажарилди

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Қоровулбозор массивидаги 11-совхознинг биринчи бўлимидан С. Хусенов бошлиқ бригада пахтакорлари йиллик планни ошириб бажаришди. 43 гектар пахта майдонидан 77 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Бунинг 80 процента машиналар билан терилди. Механик-ҳайдовчилардан — Б. Эрназаров, Ж. Ҳамдамов, С. Сатторов ва бошқалар эришилган муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшишди.

Бригада заршуносларя яна 60 тонна пахта топшириб, қўриқ ер ҳосилдорлигини 28 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилишди.

Н. НАИМОВ.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 20 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	3,42	36,39	2,17	13,06
Қашқадарё	2,45	22,43	2,09	12,92
Андижон	1,44	19,37	0,28	1,15
Фарғона	1,89	18,71	0,29	1,20
Наманган	1,64	15,30	0,55	1,10
Сурхондарё	1,58	13,48	1,45	5,24
ҚҚАССР	1,88	12,80	1,52	6,28
Бухоро	1,74	10,85	0,28	0,86
Тошкент	1,03	7,98	0,44	1,17
Самарқанд	0,72	3,65	0,11	0,44
Сирдарё	0,60	2,95	0,44	1,41
Республика бўйича:	1,58	14,04	0,82	3,85
Шу жумладан нинчка толали пахта:				
Наманган	2,10	29,32	—	—
Сурхондарё	1,59	14,37	1,68	6,08
Қашқадарё	1,22	9,30	0,82	2,81
Самарқанд	1,38	8,96	—	—
Бухоро	0,56	0,98	—	—
Республика бўйича:	1,43	12,32	1,31	4,68

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг борими тўғрисида 20 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён		
Қашқадарё	6,7	121,4
Сирдарё	5,6	109,6
Тошкент	3,8	105,2
Сурхондарё	5,1	95,7
Наманган	7,0	90,1
Хоразм	5,6	74,3
Қорақалпоғистон АССР	6,3	73,6
Бухоро	8,5	66,5
Андижон	4,1	58,3
Самарқанд	9,2	50,7
Фарғона	6,7	39,3
Республика бўйича:	6,2	85,5

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

19 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «КПСС Марказий Комитетининг Пермь область партия комитети ҳисоботи юзасидан берган йўл-йўриқлари муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг иши тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Ю. В. Курочкиннинг ахбороти тингланди.

Баъзи ижобий силжишларга қарамай, область партия комитети халқ хўжалигига партия раҳбарлиги методларини қайта қуришга, ташкилотчилик, сиёсий ва ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришда, экономика ва социал соҳадаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга коммунистларни сафарбар қилишда кескин бурилиш бўлишига эриша олмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда Бухоро область партия комитетларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорларини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга доир ишларининг конкрет йўналишлари белгилаб берилди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда республикадаги айрим халқ хўжалик объектларини 1988—1989 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашдаги қолоқликни тугатиш юзасидан пайсалга солиб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Республика ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари бу йил электростанцияларни, район қозонхоналарини, иссиқлик ва электр тармоқларини, газ, нефть ва кўмир саноатининг қазиб чиқарувчи, қайта ишловчи ва транспорт корхоналарини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ишларини активроқ олиб бораётганликлари таъкидланди.

Шу билан бирга ёқилғи-энергетика комплексида, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида қишга тайёргарлик тадбирларини амалга оширишда сусткашлик, камчиликлар ва нуқсонларга муросасозлик фактлари тугатилмаган. Энергетика ва газ саноати объектлари қурилишида мураккаб вазият вужудга келди, корхоналардаги мавжуд идишларни резерв мазут ёнилғиси билан тўлдириш масалалари секинлик билан ҳал қилинмоқда, областларда уй-жой фондини, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчаларини ҳамда социал соҳанинг бошқа объектларини қишга тайёрлаш етарли қатъият ва тезкорлик билан олиб борилмаяпти. Шаҳарлардаги иссиқлик тармоқлари ва қозонхоналарни капитал ва жорий ремонт қилиш учун ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмай қолмоқда, бу ишлар ҳали-вери тугалланмайди. Агросаноат комплексида ҳал қилинмаган масалалар кўп. Колхозлар ва совхозларда чорвачилик бинолари, озуқа цехлари жуда суст ремонт қилинмоқда.

Эксплуатация, қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективларида меҳнат, турмуш ва дам олиш учун зарур шароитлар яратишга етарли эътибор берилмаяпти.

Уй-жойларни, маориф, соғлиқни сақлаш объектлари, иситиш қозонхоналарини ремонт қилишга, ишдан чиқиб қолган иссиқлик, водопровод тармоқларини қайта ётқизишга етарли миқдорда материал-техника ресурслари ажратилиши таъминланмаяпти.

Марказий Комитетнинг Бюроси қишга тайёргарлик тадбирларини амалга оширишда партия ва совет органлари, республика министрликлари ва идораларининг, Иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари ишида тегишлича қайта қуриш юз бермаганлигини таъкидлади. «Средазуголь» (ўртоқ А. И. Лелеко), «Узбекэнерго» (ўртоқ М. С. Тошпўлатов) ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Узбекгидроэнергострой» трести (ўртоқ А. К. Эргашев), «Средазгазпром» (ўртоқ Ш. А. Аҳмедов), «Средазнефтегазстрой» (ўртоқ В. М. Товаровский) бирлашмалари, Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети (ўртоқ В. А. Ҳамидов), Давлат газ назорати Ўрта Осиё территориал инспекцияси (ўртоқ Р. М. Шералиев), Ўзбекистон ССР Госснаби (ўртоқ Т. Я. Шарипов), Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги (ўртоқ В. К. Михайлов) раҳбарларига мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан аниқ-равшан топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида Тошкент, Қашқадарё, Сирдарё область партия комитетларининг диққат-эътибори эксплуатация, қурилиш, монтаж ташкилотларининг коллективларига юксак унум билан меҳнат қилиш, тегишли турмуш ва дам олиш шароитларини яратишда уларга кам эътибор бераётганликларига, савдо ва умумий овқатланиш яхши ташкил этилмаганлигига қаратилди. Ана шу бўлинмаларда идеология ишларини кучайтириш чораларини кўриш, кадрлар билан ишлашни, кўргазмали агитацияни такомиллаштириш, халқ хўжалигини куз-қиш даврида ишлашга ўз вақтида тайёрлаш ҳамда энергетика қувватларининг ишга туширилишини таъминлашга меҳнаткашларни сафарбар этишда бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам бериш топширилди.

Марказий Комитет Бюроси 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларида асоссиз равишда репрессия қилинган кишиларни оқлаш билан боғлиқ бўлган ишларни тугатиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилди. Асоссиз репрессия қилинган кишиларни оқлаш масалалари билан шуғулланувчи комиссия составини тасдиқланди. Бу комиссияга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. Ҳ. Холмуҳамедов бошчилик қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон билан танишув

Кампучия Халқ-революцион партиясининг делегацияси республика ҳаёти билан танишмоқда.

Кампучия Халқ Республикасидан келган меҳмонлар Самарқандда бўлиб, шаҳарнинг тарихий ва меъморий ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Тошкентда делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқларини кўргазмасини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти активлари билан учрашув бўлиб ўтди.

20 сентябрь куни Кампучия Халқ-революцион партияси делегацияси аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Дўстона вазиятда

Москвага расмий визит билан келган Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Во Ти Конг билан А. А. Громико ўртасида 19 сентябрь куни музокаралар бошланди, музокаралар давомида халқаро турмуш ва икки томонлама муносабатларнинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинди. Бу визит совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги, КПСС билан ВКП ўртасидаги қардошлик алоқаларини ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирилди.

Кремлда СССР Олий Совети Президиуми номидан вьетнамлик меҳмон шарафига зиёфат берилди. Зиёфатда совет томонидан А. А. Громико, В. И. Воротников, В. М. Чебриков, В. А. Медведев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфатда А. А. Громико ва Во Ти Конг нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

* * *

Во Ти Конг В. И. Ленин Мавзолейига гулчамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС)

Афғонистон Бош министри Москвада

19 сентябрь куни Кремльда Н. И. Рижков билан Афғонистон Республикаси Бош министри Муҳаммад Ҳасан Шарқ ўртасида музокаралар бошланди. Музокараларда Э. А. Шеварднадзе қатнашмоқда.

Томонлар халқаро турмушнинг муаммолари, региондаги аҳвол хусусида фикрлашдилар, СССР билан Афғонистон Республикаси ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликнинг аҳволи ва истиқболлари батафсил кўриб чиқилди.

Дунёда умуминсоний қадриятларнинг устунлигига асосланган осойиштароқ вазиятни вужудга келтиришга янгича ёндашувлар регионал можароларни бартараф этишда, аввало афғон тугунини ечишда ҳам кўриниб турганлиги музокаралар чоғида қайд этилди. Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этишга оид Женева битимлари шу региондаги вазиятни нормаллаштириш учун муҳим сиёсий ва ҳуқуқий асос яратиб берганлигини томонлар қайд этишди ва шу жараённинг муваффақиятли равишда илгари силжиши битимларнинг барча қатнашчилари аҳдлашувларни виждонан ва бекаму-кўст бажаришига тўла-тўкис боғлиқ эканини таъкидлашди. Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси айни мана шундай иш тутмоқдалар.

Совет—Афғонистон муносабатлари масалаларини муҳокама қилиш пайтида иккала мамлакатнинг ҳукумат бошлиқлари Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳар томонлама ҳамкорлик узлуксиз кенгайиб бораётганлигидан мамнунлиги изҳор этдилар ҳамда бу ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш кераклигини айтдилар.

Совет томони миллий экономикани қайта тиклашда, социал ва маданий соҳаларни ҳам икки томонлама асосда, ҳам халқаро кучғайратлар доирасида ривожлантиришда дўст афғон халқига ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини тасдиқлади.

Амалий, дўстона муҳитда, томонларнинг тўла ҳамжиҳатлиги вазиятида ўтаётган музокаралар давом эттирилади.

(ТАСС).

КАСАБА СОЮЗ АКТИВЛАРИ СЕМИНАРИ

20 сентябрь куни Тошкентда касаба союз ходимларининг халқаро семинари иш бошлади. Унда касаба союз ҳаракати совет активлари билан бир қаторда Африкадаги француз тилида сўзлашувчи 16 та мамлакатнинг касаба союзлари ва давлат муассасалари вакиллари қатнашмоқда.

Семинар қатнашчилари «Корхоналарга социал хизмат кўрсатиш» мавзуида мунозара ўтказадилар. Халқаро меҳнат ташкилоти, ВЦСПС, СССР Госплани, СССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети семинар қатнашчиларига ўз докладларини тақдим этадилар. Семинар программасига биноан унинг қатнашчилари Тошкент корхоналарида бўлиб, у ерда энг қулай иш шароитларини яратиш, турмуш ва уй-жой шароитларини яхшилаш, меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг маданий дам олишини уюштиришни таъминлаш борасида социал соҳа хизмати ходимларининг иш тажрибаси билан амалда танишадилар.

Узсовпроф ранси Х. А. Алимова семинар қатнашчиларини табриклади.

(ЎзТАГ).

ОРОЛ ЯШАШИ КЕРАК

«Новий мир» ва «Памир» журналлари, СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ҳамда Халқ таълими давлат комитети, Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети ташкил этган «Орол—88» экспедициясининг маршрути Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг жануби-ғарбини ўз ичига оладиган улкан ҳалқани эслатади. Экспедиция қатнашчилари — ёзувчилар, журналистлар, сув хўжалиги ходимлари, социологлар, демографлар, психологлар (улар Москва, Россия Федерацияси, Украина, Болтиқ бўйидан, Орол ҳавзаси республикаларидан келишган) Ўрта Осиёдаги буюк дарёлар — Сирдарё ва Амударё бўйлаб 65 кунлик сафар қиладилар. Улар Орол муаммосининг сиёсий, социал-иқтисодий, экологик жиҳатларини ва бошқа жиҳатларини ўрганадилар, бу муаммони ҳал этиш йўлларини қидириб топишда иштирок этадилар.

Экспедиция Тожикистон, Қирғизистон территориялари, Фарғона ва Зарафшон водийлари, Мирзачўл ва Жиззах чўли орқали 2,5 минг километр йўл босиб, Ўзбекистон пойтахтига етиб келди.

20 сентябрь куни экспедиция қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов билан учрашдилар.

Р. Н. Нишонов меҳмонларни Ўзбек диёрида қутлаб, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан экспедиция иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди, уларнинг олижаноб ишини қўллаб-қувватлашини айтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Орол ҳавзасида вужудга келган аҳволни кўриб чиқиш чоғида унинг катта сиёсий, социал ва экологик аҳамиятини уқтирганлиги таъкидлаб ўтилди. Партия сув ресурслари муаммосини табиатга, бинобарин инсонга ҳам аввалаб, инсонпарварлик билан муносабатда бўлиш позициясидан туриб ҳал этишга даъват қилди. Республикада Оролни сақлаб қолиш, унинг атрофидаги районларда вазиятни нормаллаштириш вазифасига худди ана шундай позициядан туриб муносабатда бўлинмоқда.

Бу муаммога сезгирлик билан баҳо бериб, шуни айтиш керакки, Орол кўлининг сатҳи пасая бошлагандан бўён ўтган 25—30 йил ичида бу ерда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти икки баравар кўпайди, юзлаб янги саноат корхоналари, шаҳарлар пайдо бўлди. 3 миллиондан кўпроқ киши ёки регионда аҳолининг ўсиши натижасида меҳнатга лаёқатли кишилар сафига қўшилганларнинг ярми иш жойлари билан таъминланди. Аммо бу сув ресурсларидан исрофгарчилик билан, баъзан эса ўйламай-нетмай фойдаланганлик учун зиммамиздаги масъулиятни соқит қилмоқдамиз. Кўпгина областларда қишлоқ хўжалигида маҳсулот бирлиги етиштириш учун сув сарфи нормаси анча ошириб юборилмоқда. Экономиканинг бошқа тармоқларида ҳам шундай бўляпти.

Республикада сувни тежовчи тадбирларнинг комплекс программаси белгиланган. Сув хўжалиги ташкилотлари қувватлари янги ерларни ўзлаштиришдан олиниб, ирригация тармоқларини реконструкциялашга, экинзорларни мелиорация жиҳатидан яхшилашга сафарбар этилмоқда. Колхозлар ва совхозларни сувдан пул тўлаб фойдаланишга ўтказиш юзасидан эксперимент бошланди. 1990 йилга бориб республикадаги ҳамма хўжаликларни ана шундай системага ўтказиш кўзда тутилмоқда. Экин майдонлари структураси ўзгартирилиб, кам сув талаб қиладиган экинли майдонлар кенгайтирилмоқда.

Ана шу ва бошқа катта тадбирларни, шунингдек Оролга доир умумиттифоқ программасини бажариш Орол денгизини сақлаб қолишга, экология танглигининг салбий оқибатларини тугатишга ёрдам беради. Орол денгизи яшаши керак.

Р. Н. Нишонов учрашув қатнашчиларининг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Шу куни «Орол — 88» экспедицияси қатнашчилари Ўзбекистон Ёзувчилар союзида матбуот конференцияси ўтказдилар.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» газетаси Самарқанд область партия комитети билан ҳамкорликда хотин-қизлар билан иш олиб бориш ва бу соҳадаги баъзи муаммоларга бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси қайта қуриш шароитида республика хотин-қизларининг ижтимоий ва социал активлигини ошириш масаласини муҳокама қилди. Бюро мажлисида онлавий турмушдаги қийинчиликлар, социал соҳадаги қолоқликлар хотин-қизларда норозилик туғдираётгани, носоғлом кайфият ва хатти-ҳаракатлар намоён бўлишига йўл очаётгани алоҳида таъкидланди. Ўз-ўзига ўт қўйиш — норозиликнинг хунук тус олган кўринишларидан бири эканлиги уқтирилди.

Хўш, хотин-қизлар нимадан норози бўлишмоқда? Ўз-ўзига ўт қўйишнинг илдизи қаерда? Бу муҳим ҳолнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Самарқанд область партия комитетида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу саволларга жавоб қидирилди. Давра суҳбатига партия, совет ходимлари, олимлар, меҳнат ветеранлари, зиёлилар, хўжалик раҳбарлари, хотин-қиз активлар таклиф этилдилар.

Суҳбатни Самарқанд область партия комитетининг секретари Ф. А. Шукурова олиб борди.

• *Партия турмуши: идеология ва ҳаёт*

ҲАР БИР ҚАЛБНИНГ ЎЗ ЙЎЛИ, ЎЗ СЎҚМОҒИ БОР

Ф. ШУКУРОВА: — Давр ҳар биримизнинг олдимизга иш услуби, унга муносабатни тубдан қайта қуриш вазифасини қўйди. Жумладан, идеология соҳасидаги фаолиятимизни жуда тезлик билан жонлантиришимиз зарур бўлиб қолди. Чунки қайта қуриш ҳаракатининг марказида инсон турибди. Инсон билан шуғулланиш эса идеология ишининг моҳиятини, асосини ташкил қилади.

Хотин-қизлар масаласи айниқса, долзарблиги билан ажралиб чиқди. Шу пайтгача ўз-ўзини куйдириш ҳолларига умумий тарзда баҳо бериб келинди. Бу оғир, айни пайтда изтиробли ҳолнинг илдизини қидириш ўрнига унга маъмурий кўз билан қаралди.

Область партия комитети идеология ишида гапдан амалий ишга ўтиш мақсадида ўз фаолиятини одамлар ҳузурига кўчирди. Пайариқ, Ургут, Советобод, Нарпай, Булунғур, Сиёб, Самарқанд районларига идеология активи юборилди. Хотин-қизларга меҳнат шароити яратиб берилишини ўргандик, дам олишлари билан қизиқдик, оиладаги турмушларини бориб кўрдик. Ҳозир қолган районларда ҳам бу таҳлил ва амалий ҳаракат бригадаси иши давом этмоқда. Камчиликлар ҳақида область газеталарида ўқиянсизлар.

Большевик районидаги «Чимбойобод» колхозида ҳеч қаерда ишламайдиган аёллар билан учрашув ташкил қилдик. Ўз-ўзини куйдириш сабабларини аёллар ўзлари таҳлил этишди. Худди шунингдек, Самарқанд районидаги Улуғбек поселкасида, Ургут районидаги Карл Маркс номли колхозда, Пайариқ районидаги Навоий номли колхозда, Булунғур районидаги Гагарин номли совхозда алоҳида қабул уюштирилди. Область хотин-қизлар кенгаши йиғилишлари ҳам бевосита жойларда ўтказила бошланди. Лекин шунга қарамай ўз-ўзини куйдириш ҳоллари давом этмоқда. Нега?

ВОҚЕАЛАР: 1988 йил 1 март. Соат 18.30. Самарқанд райони. 1965 йилда туғилган Д. Раҳимова турмуш ўртоғи Исоқов билан жанжаллашиб, уст-бошига керосин сепди ва ёқиб юборди. Қўни-қўшнилар оловни ўчиришга муваффақ бўлишди.

1988 йил 2 май. Иштихон райони. 1968 йилда туғилган Д. Эсонова ўзини ёқиб юборди. Касалхонада вафот этди.

1988 йил 12 май. Соат 18.00. Жомбой райони. 1957 йилда туғилган Ш. Тўраева қайнонаси билан жанжаллашиб ўзини куйдирди. Шу заҳоти оламдан ўтди. Олти нафар гўдаги етим қолди.

С. МУЛЛОҚАНДОВ, профессор: — Нега бундай мусибатли хабарлар кўпаймоқда? Бу — масалага жиддий эътибор берилмаётгани туфайли эмасми? Мен таклиф қилардимки, биров ўзини ёқиб юборса ҳуқуқ-тартибот органлари ҳеч кимни жазолашмаса. Хотин-қизлар қўрқитиш, ўч олиш мақсадида шундай қилишмоқда...

Ф. ҲАЙДАРОВА, СамДУ профессори: — Кечирасиз, Сулаймон Аркадьевич, айтингчи, ўзини куйдириш ҳоллари ҳамма вақт ҳам шундай сабаблар билан рўй бермоқдами?

С. МУЛЛОҚАНДОВ: — Биз Шарқда яшаймиз. Хотин-қизларга ўзига хос муносабатимиз бор. Менимча, ўзини куйдирган хотинларнинг жасадини дафн этишга рухсат бермаслик, жаноза ўқимаслик керак.

Ф. ҲАЙДАРОВА: — Сиз 28 йилдан бери шу масала билан шуғулланяпман деяпсиз. Лекин саволимга жавоб беролмадингиз. Қоланверса, ислом ақидалари, эскилик қолдиқларини тарғиб этяпсиз.

Ф. ШУКУРОВА: — Тўғри. Бу мураккаб масала. Ҳар бир воқеани алоҳида ўрганиш ва алоҳида баҳоламоқ керак. Ахир, ҳар бир қалбнинг ўз йўли, сўқмоғи бор. Демоқчиманки, умумийликдан якка тартибдаги фаолиятга кўчайлик. Ҳар бир кишининг юрагидаги гапини тинглашимиз, хулоса қилишимиз, чора кўришимиз керак.

С. МУЛЛОҚАНДОВ: — Мен бугунгидек очиқча баҳсни 28 йилдан бери кутяпман. Ахир жасади 30—40 фойиз куйган аёлга ҳар куни қанча қон берилади, биласизларми, 250 грамм. Нега энди бир киши ўзини куйдирса-ю, ҳамма оғирлик давлатга тушса! Нега у ўз ҳуқуқини ҳимоя қилмади? Партия ташкилотлари, қишлоқ Советлари ва бошқа идораларга нега мурожаат қилмади?

Э. ҒАФФОРОВ, куйиш касалликлари область маркази мудири, медицина фанлари кандидати: — Мен кўп беморлар, уларнинг яқинлари билан суҳбатда бўламан. Тез-тез жойларга бориб, учрашувлар уюштираман. Ўзига ўт қўйган аёллар илгари ўн марталаб турли идораларга кириб чиқишган. Кўп ҳолларда улар шароит қийинчилиги, оиладаги машаққатлар ҳақида гапиришган. Аммо бюрократ учун аёл дардининг аҳамияти йўқ. У ўз мансаб курсиси «дарди» билан яшайди.

Ф. ШУКУРОВА: — Йиллар давомида бу масала «ёпиқ» бўлгани бюрократга қўл келди. Аммо кейинги уч йилда область партия комитети бюроси бу масалани беш марта муҳокама қилди. Жуда кўп бюрократлар, бепаровлар, лоқайдларга тегишли жазо берилди. 1986 йилда аёлларни ўзини куйдиришгача мажбур қилганлиги учун 11 киши жиноий жавобгарликка тортилганди. Ўтган йили 7 киши суд олдида жавоб берди. Шу йилнинг олти ойида бу рақамлар иккитага камайди.

Масаланинг иккинчи томонида ҳам ўзгариш бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида 30 та клуб ва халқ университетлари ташкил топди. Бу жойларда хотин-қизлар оила маданияти масалаларига ўргатилмоқда. Чунки кўп ҳолларда оиладаги жанжал ана шу соҳадаги уқувсизлик туфайли келиб чиқмоқда.

Советобод районида ишламаётган аёллар учун кооперативлар тузилди. Биргина «Ленинчи чорвадор» совхозида 200 киши рўмолча тўқиш кооперативига бирлашди.

Аммо ҳали ҳамма жойда бу ишларга тўла киришилган эмас. Оқибатда хотин-қизлар норозилиги пасаймаяпти. Ярим йилда 19 аёл ўзини куйдирди. Қанча қалблар изтироб чекди, қанча гўдаклар она меҳридан жудо бўлди.

ВОҚЕАЛАР... 1988 йил, 7 май. Соат 10.00. Каттақўрғон райони. 1937 йилда туғилган К. Рўзиқулова турмуш ўртоғининг қийноқларига бардош беролмай ўзини ёқиб юборди.

1988 йил. 29 май. Соат 15.00. Пахтачи райони. 1961 йилда туғилган Г. Эргашева қўшниси Т. Элмуродова билан жанжаллашиб ўзига ўт қўйди.

1988 йил 19 июнь. Соат 23.00. Булунғур райони, О. Абдукаримова эри билан жанжаллашиб ўзини куйдирди, касалхонада оламдан ўтди...

Э. АБЗАЛОВ, область прокурорининг биринчи ўринбосари: — Ўтган йили областда 31 жойда ўзини-ўзи куйдириш воқеаси содир бўлди. Ўн нафар аёл оламдан ўтди. Бу йил бундай воқеалар кам бўлса-да, бари-бир ташвишлидир. Биз масалани жуда кўп таҳлил қилиб кўрдик. Адолат Маҳмудовани бундай қалтис йўлга нима бошлади? Унинг 9 нафар фарзанди бор эди. Ёки июль ойининг сўнгида Иштихон районида юз берган воқеачи? Ўгай ота ва ўз онасининг таҳқирлашларига чидай олмаган ўн тўрт ёшли Зулфизар ўзига ўт қўйди. Отаси Собир Сайфиев, онаси Малоҳат нега қизчани қийнашди? Бу саволларга жавоб топиш қийин. Эҳтимол, биз — прокуратура органлари воқеа содир бўлгачгина ишга киришишга ўрганиб қолгандирмиз.

Д. ИБОДОВА, СамМИ профессори: — Ҳа, ҳуқуқ-тартибот органлари профилактика билан жиддий шуғулланишмайди. Одамлар қонун-қоидаларни мукаммал эгаллаб олмас эканлар, ўз ҳуқуқларини қандай қилиб ҳимоя қилишни билмайдилар. Оқибатда боши берк кўчага кириб қоладилар. Менинг назаримда, бу иш билан партия комитетлари жиддий шуғулланишлари зарур.

К. АБДУАЛИЕВА, Советобод районидаги «Ленинчи чорвадор» совхози партия комитети секретари: — Бу муаммонинг илдизи мактабда деб биламан. Жуда кўп нарса тарбияга боғлиқ. Аммо мактаб ўқитувчиси ўзига ўзи ўт қўйсачи? Буни қандай тушунмоқ керак? Ёш авлодни тўғри йўлга бошлаши керак бўлган кишининг бу ҳаракатини қандай баҳоламоқ лозим?

Хуллас, биринчидан, мактабда фаолиятни кучайтирмоқ шарт. Иккинчидан, ҳар бир оилага кириб боришимиз зарур. Учинчидан, эркакларнинг оилага муносабатлари хусусида ўйлаб кўриш керак. Бошланғич партия ташкилоти, унинг раҳбарлари ана шу масалалар устида бош қотиришга даъват этилгандирлар.

Ф. ШУКУРОВА: — Ҳақиқатан ҳам бу ишни фақат хотин-қизлар кенгашларига юклаб қўйиш хато бўлади. Коммунист, энг аввало, идеология ходими эканлигини унутмаслигимиз керак. Коммунист бўлишнинг ўзиёқ виг тарбиявий иш олиб бориш вазифасини юклайди. Мана, даврамизда Самарқанд районидаги Киров номли колхоз правлениеси раиси Баҳрилло Носиров ўтирибди. Бу колхозда икки аёл ўзига ўт қўйди. Шу йилнинг 4 май куни Гулбаҳор Амриева ўзини ёқиб юборган. Колхоз раҳбарлари илгари бу ҳонадонда бўлишганмиди?

Б. НОСИРОВ: — Бу саволга аниқ жавоб беришим қийин. Лекин воқеа содир бўлгандан кейин бордик.

Ф. ҲАЙДАРОВА: — Сиз колхоз партия комитети аъзосиз. Шундай экан, хотин-қизларга шароит яратишни кимнинг вазифаси деб биласиз?

Б. НОСИРОВ: — Колхозда ҳар ҳолда шароит яхши. Бошқа, аҳвол оғирроқ районларда бундай воқеа кам юз беради. Аммо меҳнат ва турмуш шароити бир қадар тузук бўлган бизнинг районда кўпроқ содир бўлади.

Ф. ШУКУРОВА: — Бунинг сабаби аниқ. Самарқанд районида ҳамма астойдил меҳнат қилади. План кўрсаткичлари яхши бўлавергач, тарбиявий иш унинг соясида қолиб кетган. Энди, оилавий звено, ижара усулларини баҳона қилишяпти. Хўш, оилавий звенони жамиятдан ажралиб чиққан бўлак деб ким айтолади?! Ҳеч ким! Шундай экан, нега бу бўғинда идеология иши бўлмаслиги керак?

Б. НОСИРОВ: — Биз ҳозир хотин-қизларга шароит яратиш учун даладаги меҳнатни график асосида ташкил қилдик. Улар эрталаб соат еттидан ўн биргача ишлашади. Кейин соат 16 гача уйларига бориб рўзғор ишлари билан шуғулланишади ва кечгача далада бўлишади.

Ф. ШУКУРОВА: — Демак, аёл тонг саҳардан кечқурунгача тиним билмас экан-да. У қачон дам олади, ҳордиқ чиқаради? Дала шийпонида қандай тадбир уюштирилди? Хуллас, масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб кўришимиз зарур.

М. САЙДАЛИЕВА, партия ветерани: — Одамлар райкомга катта ишонч билан келишлари, умид, нажот излаб коммунистга мурожаат қилишларининг жуда кўп марта гувоҳи бўлганман. Ҳозир кўчма қабуллар ташкил этилган. Танқидий фикр-мулоҳазалар жамланиши йўлга қўйилди. Лекин бир нарсани унутмайлик: ҳамма гап қоғозда қолиб кетмасин. Бизнинг Булунғур районида ҳам ўз-ўзига ўт қўйиш ҳоллари учрамоқда. Нега? Асосан оиладаги қиқир-чиқирлар сабаб бўлмоқда. Бу ерда Фароғат қизим тўғри айтди, меҳр-оқибат ноёблашиб кетяпти. Бу ҳожиянинг олдини олишимиз керак. Йўли эса битта: ҳар кунни, ҳар соатни одамлар ҳузурида ўтказмоқ керак. Одамларнинг ташвиши билан яшамоқ керак!

Мен пенсиядаман. Лекин район хотин-қизлар кенгаши аъзосиман. Жамоат ишини бурчим деб биламан. Оилада бемаъни эзмаланиб, нохушлик чиқариб ўтирган момоларни бу ишга жалб этиш даркор. Ахир жамоат иши кишини тарбиялайди-да.

Э. АБЗАЛОВ: — Самарқанд — туризм шаҳри. Шу боис шаҳарда хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланган. Шунга қарамай бу ерда уйда ўтирган хотин-қизлар кўп. Ваҳолонки, неча йилдан бери савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида асосан уларнинг ишлаши масаласи кўндаланг қилиб қўйилмоқда. Масалани қўйиш бошқа, бажариш эса бошқа экан.

Область прокуратураси бини ўрганиб чиққанида умумий овқатланиш корхоналари раҳбарлари муаммонинг «калити»ни топишганини аниқлади. Рўйхатдаги 150 нафар хотин-қизни иш жойидан топиб бўлмади. Қарангки, хотин-қизларнинг ҳужжатларини расмийлаштириб, аслида девдай-девдай йигитларни ошпазликка, савдо ишларига олишаркан.

Шунингдек хотин-қизларнинг уй-жой, нафақа олиш ҳуқуқлари писанд қилинмаётгани ҳоллари аниқланди. Мен бу суҳбатга келишдан олдин хотин-қизларнинг ўзларига ўт қўйишлари сабабларини қуйидаги уч группага бўлдим:

Биринчидан, оиладаги кўп болалик масаласида тартиб йўқ. Қишлоқда минглаб қаҳрамон оналар яшашади. Шароитларини яхши деб айтолмаймиз. Бунинг устига кўп болали аёлларни ҳеч қаерда ишламайсан, деб таҳқирлашмоқда. Нега энди завод ва фабрикада ишлаган аёлни жамиятга фойда келтиряпти, деб улуғлаймизу, шу жамият учун инсонни улғайтираётган онани эса таҳқирлаймиз. Менимча, онанинг ҳуқуқи, обрўйини маҳкам туриб ҳимоя қилишимиз керак. Унинг ҳузурига олимлар, врачлар, зиёлилар боришсин. Фарзанд тарбияси билан қизиқишсин.

Иккинчидан, қишлоқдаги турмуш тарзини моддий жиҳатдан юксалтирмоқ керак. Аксарият ҳолларда ўзини ўзи куйдириш шароит оғирлиги туфайли содир бўлмоқда. Бу, албатта, экономика билан боғлиқ. Энг аввало, пахтачиликдаги нархнавони кўриб чиқиш керак. Қишлоқ аёллари ўз меҳнатига яраша ҳақ ололмаяпти, деб очиқ айтоламиз.

Учинчидан, меҳнат қилиш ҳуқуқи гарантияланган, аммо қишлоқ аёллари ундан тўла фойдалана олмаяптилар. Қишлоқлар, район марказларида улар ўзларига яраша иш тополмаяптилар. Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида бу муаммо яна ҳам кучаяди. Айрим корхона раҳбарлари икки-уч сменали ишга кўчиш баҳонасида аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини эътиборга олмаяптилар. Она кечаси билан корхонада бўлиши керакми, ё уйдами?

МУХБИР ШАРҲИ: Давра суҳбати узоқ давом этди. Ҳар бир киши ўзини ташвишга солган гапни, ўз таклифини айтди. Энг асосийси, область, район ташкилотларининг аниқ вазифалари ҳақида сўз борди. Жумладан, область соғлиқни сақлаш, халқ маорифи бўлимлари қаттиқ танқид қилинди. Уларнинг бу борадаги иши қониқарсиз деб топилди.

Область идеология ходимларидан иборат таҳлил ва амалий ҳаракат бригадаси ишини вақтинчалик эмас, доимийга айлантиришга келишиб олинди. Давра суҳбатидан кейинок бу бригада Пайариқ районига жўнаб кетди.

Муҳокама этилган масаланинг областда нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги англаб олинган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси қарори асосида аниқ тадбирлар белгиланди. Дастлабки натижалар шуки, воқеа содир бўлиши биланоқ, область партия комитети ўнга ошкоралик тусини бермоқда. Воқеанинг ахлоқий жиҳатлари газета орқали таҳлил қилиниб, муҳокамага қўйилмоқда. Бунинг яна бир аҳамияти — айбдор жазодан қутулиб кетмаслиги учун «шароит» яратилди. Ахир 1987 йилдан буён ўзига ўзи ўт қўйиш воқеаси 50 марта рўй берганда, ҳуқуқ-тартибот органлари шу воқеаларнинг фақат ўнтаси юзасидан жиноий иш қўзғадилар, шундан биттаси судга юборилди. 34 воқеа юзасидан эса жиноий иш қўзғатиш рад этилди. Бу кўпчиликни ташвишга солмоқда. Шундай шароитда область партия комитети тўла ошкоралиги қарор топтириш нақадар аҳамиятли эканлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Хуллас, область партия комитети бу масала билан жиддий шуғулланмоқда. Хўш, қуйи ташкилотлар-чи? Уларнинг иш самарасини эса вақт кўрсатади.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Шарҳсиз хабар*

РАСМИЙ ЁЗИШМАЛАРДАН

«08. 08. 88.

Ўзбекистон ССР Госплани раисига. Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раисига. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесига.

Тоғли Бўстонлиқ районига таъсир қилувчи территорияда хўжалик фаолиятини кенгайтириш тўғрисида КПСС XIX партия конференцияси адресига келган коллектив мактубни сизларга йўллайман.

Бу район Ўзбекистон пойтахтининг дам олиш зонаси сифатида катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, мактубда кўтарилган масалаларни Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети билан биргаликда кўриб чиқиш ҳақида кўрсатма беришни, мазкур районда хўжалик фаолиятини ривожлантиришни экологик-иқтисодий жиҳатдан асослаш чоғида ундаги таклифларни ҳисобга олишни ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза муаллифларига ва СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетига маълум қилишни илтимос қиламан.

СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари **В. Г. СОКОЛОВСКИЙ».**

* * *

СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети, ўртоқ В. Г. Соколовскийга

(Қисқартириб босилмоқда).

Ўзбекистон ССР Госплани Тошкент область ижроия комитети, Бўстонлиқ район ижроия комитети, Ўзбекистон Гидрометеорология маркази, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Ғазалкентда контроль-ўлчов аппаратлари заводи қурилиши учун ер ажратиб бериш тўғрисидаги масалани қўшимча равишда кўриб чиқди.

...Бўстонлиқ районининг аҳолиси 124,2 минг кишидан иборат... 42,7 минг киши халқ хўжалиги тармоқларида иш билан ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш билан банд... 8,1 минг киши шахсий ёрдамчи хўжалигида банд... меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўпгина қисми ҳар куни Чирчиқ ва Тошкентга ишга қатнайди. Келгусида районда Ғазалкентдаги 120—150 киши ишлашига мўлжалланган ўраш буюмлари фабрикасидан бошқа саноат корхоналарини қуриш кўзда тутилмаган.

Юқоридаги далиллардан келиб чиқиб, Бўстонлиқ район ижроия комитети 1988 йил 27 апрелдаги қарори билан район агросаноат комитети комиссиясининг 1986 йил 12 августдаги, 1988 йил 23 февралдаги актларини ҳамда «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози вакиллари йиғилишининг шаҳар бош плани доирасида Ғазалкент контроль-ўлчов аппаратлари заводининг қурилиши учун ер ажратиб бериш тўғрисидаги протоколини тасдиқлади».

(Шундан сўнг мактубда бу қарорни Иттифоқ ва республика ташкилотлари қўллаб-қувватлагани ҳақида гап боради).

«Бироқ шу йил июль ойида Чирчиқ дарёси водийсида ва Бўстонлиқ районидаги экология вазиятидан ташвишланаётган бир группа адабиёт ва санъат арбоблари ариза тушди, бу аризада улар завод қурилишига қарши чиқмоқдалар. Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига Ғазалкент шаҳри, Чорвоқ шаҳар посёлкаси, Қоронқўл, Товоқсой, Искандар, Хўжакент ва бошқа посёлкалар аҳолисидан жуда кўп коллектив аризалар (400 дан ортиқ киши имзо чеккан) келди. Бу аризаларда бир группа ёзувчилар маҳаллий аҳолини завод қурилишига қўшилмасликка, қурилишни тўхтатиб қўйишни талаб қилишга асоссиз равишда даъват этаётганликлари ёзилган. Аҳоли завод қурилишини тезлаштиришда ва етилган социал масалаларни ҳал қилишда ёрдам беришни илтимос қилган...

...Мазкур завод асосий маҳсулотдан ташқари йилига 15 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради. Завод бир неча минг кишини, шу жумладан аёлларнинг 65 процентгача қисмини иш билан таъминлашга имкон беради. Кадрлар тайёрлаш учун 720 ўринли ўқув комбинати... умумий майдони 150 минг квадрат метрлик уй-жой посёлкаси, поликлиника, профилакторий, мактаблар, болалар боғчалари, пионер лагери, кутубхона, усти ёпиқ бассейн, спорт иншоотлари, маиший хизмат объектлари қуриш кўзда тутилган... Ғазалкент шаҳрига темирйўл тармоғи ётқизиш ва табиий газ келтириш режалаштирилган. Заводнинг ҳавога чиқарадиган зарарли моддалари йилига 84 тоннани, қозонхона ҳавога чиқарадиган зарарли моддалар эса 73 тоннани ташкил этади (қиёслаш учун: Ғазалкентда ишлаб турган мармар заводи ҳар йили ҳавога 1100 тонна чанг ва бошқа зарарли моддалар чиқаради...), ҳавонинг ерга яқин қатламида заҳарли моддаларнинг тўпланиши йўл қўйиш мумкин бўлган даражанинг 0,1 процентидан камроқ бўлади. Заводнинг санитария зонаси 100 метр... тақрорий фойдаланиладиган сув миқдори 91 процент. Технология давлат назорати органлари билан келишиб олинган ва мусаффо деб топилган.

Ажратилган майдонда завод қурилиши Бўстонлиқ районининг саноат потенциалини икки баравар кўпайтиришга, аҳолининг анчагина қисмини иш билан таъминлашга, аҳоли маданияти ва фаровонлигини оширишга имкон беради. Ўзбекистон ССР Госплани Бўстонлиқ район ижроия комитети ва Тошкент область ижроия комитетининг мазкур масалаларга қарорини қўллаб-қувватлайди.

Шу билан бирга Чирчиқ шаҳарининг, Ғазалкентдаги мавжуд корхоналарнинг ҳамда ёнилғи билан ишлайдиган маҳаллий қозонхоналарнинг зарарли моддаларни чиқариб юбориши Бўстонлиқ районининг экологиясига жиддий таъсир қилмоқда ва бундан жамоатчилик ғоят ташвишланмоқда. Атроф-муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни биринчи навбатда Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» бирлашмасига қарашли корхоналарда амалга оширишни кучайтириш кўзда тутилди.

Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси

И. ИСКАНДАРОВ».

(ЎзТАГ).

Темирйўлчилар халқаро ҳамкорлиги

19 сентябрь куни Тошкентда темир йўлларда тортиш кучи ва уларни электрлаштириш масалалари билан шуғулланувчи темирйўлчилар ҳамкорлиги ташкилоти саккизинчи комиссиясининг кенгаши очилди. Ушбу кенгаш ишида ана шу халқаро ташкилотнинг барча аъзолари — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ва Хитой Халқ Республикаси темир йўл транспортининг намояндалари иштирок этмоқдалар.

Кенгаш программасига кўра, пўлат магистралларни электр ёрдамида тортиш кучига ўтказиш иши ўрганилади ва тажриба баҳам кўрилади. Социалистик мамлакатлардан келган темирйўлчилар Тошкент метрополитенининг иши, локомотивлар машинистларини профессионал иш учун танлаб олишнинг Тошкент тепловоз депосида амал қилаётган техника воситалари комплекси, Самарқанд локомотив депосининг иши билан танишадилар.

Кенгаш олти кун давом этади.

(ЎзТАГ).

Қўқон болалар пойабзали фабрикасининг Бағдоддаги филиали замонавий техника воситалари билан таъминланиб, тартиб ва интизом мустаҳкамлангач, маҳсулотларнинг хиллари бир мунча кўпайди ва сифати яхшиланди. Эндиликда корхонада тайёрланган пишиқ ва кўркам маҳсулотларни севиб харид қилмоқдалар.

Корхонада асосан комсомол-ёшлар меҳнат қилишяпти. Уларнинг романтик меҳнати, интилишлари суръат ва сифат ўсишига имкон бермоқда.

Суратда: илғор ишчилар Жамила Усмонова билан Марьям Тешабоева.

У. Қўшвоқов фотоси.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Маълумки, СССР Олий Совети Президиумининг Тоғли Қорабоғдаги ва унинг атрофидаги воқеалар хусусида 1988 йил 18 июль қароридан кейин вазият яхшилик сари ўзгариб, турмуш нормал изга туша бошлади. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг автоном область иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги қарорини бажариш соҳасидаги иш кенг жабҳа бўйлаб авж олдириб юборилди. Меҳнат коллективлари ва ўқув юртларидаги муҳит тобора соғломлашмоқда. Партия комитетлари, совет ва жамоат ташкилотлари активроқ позицияга ўта бошладилар. Озарбайжон ва Арманистон Компартияларининг раҳбарияти мустаҳкамланганлиги, уларнинг Марказий Комитетлари пленумларида салбий ҳодисаларни тугатиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, демократия ва ошкораликни ривожлантиришга оид кескин чора-тадбирлар муҳокама қилинганлиги бунинг учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сумгаитдаги воқеалар билан боғлиқ бўлган жиноий ишларни тергов қилиш асосан тугалланди, қотилликларга, ур-йиқитлар ва зўравонликларни ташкил этишга дахлдор бўлган барча шахслар аниқланиб, жавобгарликка тортилди. Уттизтадан кўпроқ иш судда кўриб чиқиш учун топширилди.

Шу билан бирга, Арманистон ва Озарбайжонда авж олдириб юборилган соғломлаштириш жараёнлари коррупция, порахўрлик ва ўғирликларга дахлдор бўлган кимсаларга мутлақо ёқмаётгани кўриниб турибди. Улар фош бўлишдан чўчиб, жамоатчиликни қайта қуришнинг энг зарур муаммоларидан, салбий ҳодисаларга қарши реал курашдан чалғитишга, диққат-эътиборни миллий муносабат масалаларига ўтказишга, ҳар қандай баҳонадан фойдаланиб, миллатчилик эҳтиросларини кучайтиришга уринмоқдалар.

Шунинг оқибатида Степанакертдаги вазият кейинги кунларда яна кескинлашди. Саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотларида ва жамоат транспортида ғаламислик билан иш ташлаш бошланди. Мактаблардаги машғулотлар тўхтади. Область прокуратурасига ҳужум уюштирилди, жамоат тартибини таъминлаб турган СССР Ички ишлар министрлигининг ҳарбий хизматчиларига ва милиция ходимларига тан жароҳатлари етказиш ҳоллари содир бўлди.

18 сентябрь куни шаҳарда шаҳар ҳокимият органлари изожати билан митинг бўлиб ўтди. Митингда Тоғли Қорабоғ автоном областида вужудга келган вазиятдан одамларнинг ташвишланаётганликлари, улар вужудга келган аҳволни нормаллаштиришга интилаётганликлари баралла айтилди. Бироқ Степанакерт яқинидаги Ҳажали қишлоғида арман ва озарбайжон аҳолиси ўртасида миллатлараро негизида тўқнашувлар бўлди, деган гиж-гижловчи ахборот муносабати билан митинг бироз вақтдан кейин тўхтатиб қўйилди. Митингнинг кўпгина қатнашчилари шу қишлоққа йўл олганларида икки ёқлама ялпи муштлашувда ўқ отиладиган ва совуқ қурол ишлатилди. Натижада 25 киши турли оғирликда жароҳатланди, 17 киши касалхонага ётқизилди. Арман аҳолиси ҳам, озарбайжон аҳолиси ҳам медицина ёрдами кўрсатилишини сўраб мурожаат этди.

Милиция ва ички қўшинларнинг кучлари билан бу тўқнашувнинг авж олишига йўл қўйилмади. Жамоат интизомини ва гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш, тартибсизликларнинг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. СССР Прокуратураси ходимлари жиноий иш қўзғадилар, тергов олиб борилмоқда. Областда КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиумининг вакили А. И. Вольский раҳбарлигида штаб ишлаб турибди.

Тоғли Қорабоғ автоном области партия комитети ва халқ депутатлари Совети ўзининг радио ва телевидение орқали эшиттирилган мурожаатномасида миллатлараро муносабатлардаги кескинликни кучайтиришга уринаётган шахсларнинг давлатга қарши ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини қораладилар. Митинглар, намойишлар ва юришлар ўтказиш тақиқланди.

Арманистон Компартияси Марказий Комитети ва Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети республикалардаги вазиятни нормаллаштириш ва жамоат тартиби ўрнатиш юзасидан зарур чораларни кўрмоқдалар. Партия ва ишчи йиғилишлари ўтказилмоқда.

Вужудга келган вазият жиддий ташвиш ва хавотирлик уйғотмаслиги мумкин эмас. Бу аҳвол иккала республика меҳнаткашларининг манфаатларига мутлақо зид эканини, шу сабабли унга ортиқ тоқат қилиш керак эмаслигини қатъий қилиб айтишни вазият тақозо этмоқда. Давлат ҳар қандай миллатга мансуб гражданларнинг ҳуқуқлари биронбир тарзда камситилишига, халқлар ўртасида адоват кучайтирилишига йўл қўя олмайди. Совет Конституцияси ва қонунларимиз бундай камситиш ва адоватни авж олдиришни тақиқлаб қўйган. Қонунчиликка, давлат ва жамоат интизомига қатъий риоя этмай туриб, социалистик демократияни янада чуқурлаштириб бўлмайди.

(ТАСС)

• *Табиат ва инсон*

ЕРНИ ЭРОЗИЯДАН АСРАЙЛИК

Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳар йили Ватанимиз бағридан 5300 миллион тоннага яқин ҳар хил модда олинмоқда. Уларнинг ўттиз процентга яқини қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари, 6,5 проценти ўрмон бойликлари бўлиб, қолганлари эса ҳар хил қазилмалардир. Ҳозир табиатдан олинган бойликларнинг атиги беш—ўн проценти фойдали маҳсулотларга айлантирилиб, қолганлари чиқитга чиқаётир. Уларнинг аксарияти атроф-муҳитни ифлослантиришнинг асосий манбаи бўлиб қолянти.

Ваҳолонки, экология хавфсизлиги учун кураш бугунги кунда ҳамманинг бурчига айланган. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг яқиндаги мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ишини тубдан қайта қуриш тўғрисидаги қарори бунинг исботидир.

Республикамизда атроф-муҳитнинг ўзига хос регионал, зонал ва маҳаллий муаммолари мавжуд. Зотан, кейинги йилларда республика табиати беқиёс ва таниб бўлмас даражада ўзгарди. Унинг бағридан йирик саноат марказлари, транспорт йўллари, сув иншоотлари ўрин олди. Шаҳар ва қишлоқлар кўпайди. Суғориш шохобчалари мислсиз кенгайди. Табиий бойликлардан фойдаланиш жадаллаштирилди. Аҳоли сони кўпайди. Ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини кўтариш мақсадида минерал ўғитлар ва дориворлар кўплаб ишлатилмоқда.

Бинобарин ерга нисбатан доимо ҳурматда бўлиб, унинг бойликларига эҳтиёткорлик, омилкорлик ва тежамкорлик билан ёндашилса, ер бойийди. Атроф-муҳит соф, мусаффо, гўзал ва кўркам бўлади. Республика территориясининг қирқ миллион гектарга яқин жойи қуруқликдир. Шундан 15 миллион гектари деҳқончилик учун қулай бўлган ерлардир. Бу ерларни офатлардан асраш, эрозия, сел, захланиш, шўрланиш, чўлланиш каби ҳодисаларга қарши кураш, ирригация иншоотларини бунёд этиш, узоқ муддатли мелиорация ишларини кенг кўламда олиб бориш тақозо этилади.

Мелиорация соҳасида Ўзбекистонда олиб бориладиган ишлар кўлами катта. Чунончи республикада тупроқ муҳофазаси учун ҳар беш йилликда 142 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарф бўлади. Ер эрозиясининг олдини олиш учун эса республикамизда қирқ минг гектар ихота дарахтзорлари ва меваорлар мавжуд. Сув эрозиясини жиловлаш мақсадида қурилган иншоотлар ҳам кўп. Зотан кейинги ўн йил мобайнида бу соҳа учун сарф қилинган маблағ уч марта ошди.

Шунга қарамай, ер бойликларидан оқилона фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида республика ер ресурслари ва унинг табиий-иқтисодий потенциалидан ҳамон қониқарсиз фойдаланилаётганлиги алоҳида қайд қилинди. Дарҳақиқат шундай. Чунончи республика ер фондининг атиги 7 процентдан кўпроғига жадал ишлов берилиб, ундан унумли фойдаланаётир, 53 проценти эса экстенсив фойдаланаётган массивлардир. Лалмикор деҳқончилик учун яроқли бўлган майдоннинг эса еттидан бир қисмидан фойдаланилмоқда холос.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бизда суғориладиган массивлар олтин ерлар ҳисобланади. Ҳар бир гектар янги ерни ўзлаштириш учун ўн минг сўмдан ортиқ капитал маблағ сарфланади. Улардан олинадиган маҳсулот суғорилмайдиган жойларга нисбатан 5—13 марта кўп. Шунга қарамай, бу борадаги тежамкорлик талабга ҳалигача жавоб бермайди.

Ер бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш катта аҳамият касб этади. Чунончи, республикамизда эрозиянинг ҳамма турлари — шамол, сув ва ирригация эрозиялари кенг тарқалган. Шамол эрозияси қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларнинг саксон процентдан кўпроғида мавжуд. Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмида, Фарғона водийсининг ғарбида, Мирзачўлнинг жануби-шарқида, Қарши чўли ва Бухоро воҳасида бу жараён кучли ривожланган.

Қишлоқ хўжалигига эрозия катта зарар келтиради. Чунончи, ирригация эрозияси фақат ернинг вегетация даврида ҳар бир гектар майдондан саксон тоннагача унумдор жинсларни ювиб кетади. Қиялик жойларида бу рақам беш юз кубометрга кўтарилади. Ҳар бир содир бўлган типик суриламма тоғ ва тоғолди зоналаридаги бир неча ўнлаб гектар майдонга зарар етказади. Марказий Фарғона, Қўқон группа районлари, Мирзачўлнинг айрим жойларида ҳамда республикамизнинг жанубий-ғарбий ўлкаларида шамолли йўллар пахта далаларининг 25—90 процент майдонида чигит қайта экилади. Айниқса, ёз ойларида хуруж қиладиган гармсел экинлар учун офатдир. Эрозияга мубтало бўлган пахта майдонларида ҳосил ярмигача камаяди.

Эрозияга қарши курашни оқилона ташкил қилиш, айни вақтда тупроқ унумдорлигини комплекс равишда ошириш каби тадбирлар пахта ҳосилини кўтаришга имкон беради. Бироқ республикамизнинг аксарият қисмида эрозияга қарши кураш ҳануз ёмон аҳволда. Зотан, бир пайтлар воҳаларимиз хилма-хил дарахтзорлар билан қопланган бўлиб, улар эрозияни камайтирарди. Ҳозир эса дарахтзорларнинг умумий майдони суғорилаётган массивларнинг бир процентига тенг холос. Бунинг устига мавжуд ўрмон ва ихота дарахтзорлари кейинги йилларда қаровсиз қоляпти. Айниқса, айрим етилган ихотазорларнинг ёппасига кесиб ташланиши жуда ачинарли. Чунончи Киров районида икки юз гектардан ортиқ майдондаги ихота ўрмони кесиб ташланди. 27 қатордан иборат бўлган машҳур Ёзёвон—Олтиариқ давлат ихотазори ҳозир йўқ. Худди шундай қисмат Шофиркон давлат ўрмон зонасига ҳам таваллуқлидир. 1950 йилларнинг ўрталарида Бағдод районининг «Москва» совхози, Бухоро районининг «Ленинизм» колхози территорияларида бунёд этилган ихота дарахтлари йўқ қилиб юборилди.

Қарши чўлини ўзлаштиришнинг дастлабки босқичида ихота дарахтларини ўтқазиш лойиҳадагига нисбатан 55, кейин эса 15 процентдан кўпроқни ташкил қилди. Марказий Фарғона, Мирзачўл, Зарафшон ва Амударё этакларидаги суғориладиган майдонларда ҳам аҳвол кўнгилдагидай эмас. Бунинг устига суғориладиган ерлардаги ихота дарахтларининг мақбул норма ва нормативлари илмий асосда ишлаб чиқилмаган. Ҳозирги нормативларга биноан эса кучсиз шамоллар ҳукмрон бўлган районларда ихота дарахтлари учун атиги 0,5 процент, шамол кучи катта бўлган районларда эса иккиуч процент майдон ажратилиши кўзда тутилади. Бу жуда паст кўрсаткич бўлиб, экологик шароитни оптималлаштириш ва агрокомплекс тармоқларини ривожлантириш талабларига жавоб бермайди.

Фикримизча суғориладиган ва лалмикор районларда бу кўрсаткичларни уч марта кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Мирзачўл, Қарши ва бошқа янги ўзлаштирилган чўлларда саксон—юз гектар майдонга эга бўлган карталар анчагина. Уларни 3—12 гектарга, кучли шамолларга хос бўлган районларда эса 4—6 гектарга тушириш лозим.

Ўзбекистон территориясида чўлланиш жараёнлари содир бўлишига табиий шароитлар мавжуд. Яйлов бойликларидан бетартиб ва номақбул фойдаланиш, Орол денгизининг чекиниши ва у билан боғлиқ ҳолда чўлланиш жараёнининг йилдан-йилга кучайиши эрозияга жиддий мадад бўляпти. Натижада тупроқнинг унумдор қисмини шамол учириб, ер юзини ялаб кетяпти. Дарахтзор ва бутазорлар ҳазон бўляпти. Орол денгизи соҳилларидан кўтарилган тузли тўзонлар 500 километр масофагача бориб, яйловлар структурасига салбий таъсир кўрсатяпти. Яйловларда содир бўлаётган салбий ҳолатлар ҳам комплекс тадбирларни зудлик билан амалга оширишни тақозо қилади. Бу борада Орол денгизи соҳиллари, Қизилқум массиви, айниқса, Сандиқли, Девқум, Оққум, Дарбозақум атрофлари доимо эътиборда бўлиши лозим.

Замин саховатига салбий таъсир кўрсатаётган ҳодисадан бири кучли шамоллар таъсирида қумнинг кўчишидир. Чўллардаги тадқиқотларимиз бу ҳодисалар кейинги йилларда катта суръат билан кўчаётганидан далолат беради. Шу кунларда қум уюмлари воҳаларга тез-тез кириб келяпти. Сандиқли, Кемирикқум, Тошқудуққум, Оққум, Девқум, Дарбозақум, Улуқизилқум қабилардаги барханларнинг ҳаракати натижасида Нишон, Чилгумбаз, Алан, Зеварда, Илонли, Муродқудуқ, Қорабулоқ, Ўртабулоқ, Помуқ, Муборак, Қораулбозор, Шофиркон, Ғозғон, Улус, Нурота, Фориш, Дукей-Арна чўлларида қум уюмлари тез-тез изғиб қолди. Улар ҳосилдор ерларни босиб экинларни қуйдириб кетяпти.

Шундай бўлишига қарамасдан, қум кўчиш жараёни ва унинг экологик, социал-иқтисодий оқибати етарлича таҳлил қилинган ва баҳоланган эмас. Аҳвол шундай қоларса бу жараённинг атроф-муҳитга, яшаш шароитимизга ва республика хўжалик тараққиётига кўрсатаётган зарари кучаяверади. Бинобарин, қумнинг кўчишига, кучли шамоллар йўлига зудлик билан ғов-тўсиқлар ясаш керак. Чунки чўлланишга айниқса, қум, туз тўзонларига қарши кураш — ер саховати, унумдорлиги ҳамда юқори ҳосил учун кураш демакдир.

А. САИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи кенгашининг катта илмий ходими, география фанлари кандидати.

Академик Султон Умаров туғилган куннинг 80 йиллигига

ФИДОЙИ ВА МУРАББИЙ

Икки қардош республика — Ўзбекистон ва Тожикистон илмий жамоатчилиги шу кунларда ажойиб олим, педагог, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР Фанлар академиясларининг ҳақиқий аъзоси Султон Умарович Умаров туғилган куннинг 80 йиллигини нишонламоқда. Истеъдодли интернационалист олимнинг ёрқин, қирадор ва воқеаларга бой ҳаёти Ўрта Осиё республикалари фани ва маданиятини шакллантириш ва ўстириш ишига бағишланган.

С. Умаров 1908 йилнинг 24 августида Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) шаҳрида дунёга келди. У болалар коммунаси мактабини тугаллаб, Самарқандда Ўзбек маориф институтида, кейинчалик Педагогика академиясининг табиий- математика бўлимида ўқишни давом эттирди. Уни битирган С. Умаров академияда ўқитувчилик ишига таклиф этилади. 1933 йили келажаги порлоқ ёш мутахассисни СССР Фанлар академияси Ленинград Физика-техника институтининг аспирантурасига йўллайдилар. Бу ерда у академик Ю. А. Крутков раҳбарлигида назарий физика соҳасида малакали олим бўлиб етишади. С. Умаров кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилгач, 1936 йилдан бошлаб Самарқанд давлат университетида доцент бўлиб хизмат қилади.

С. Умаров Самарқандда 1941 йилгача ишлайди, педагогик жараён — назарий физика кафедрасини ташкил этиш, илмий масалаларни кун тартибига қўйиш ва ҳал этишда фаол иштирок этади. Унинг ўзбек тилида яратилган физика илмий терминлари ишланмалари масалалари катта ўрин тутади. 1941 йилдан С. Умаров Тошкент Давлат педагогика институти директорининг ўринбосари, 1942 йилдан эса Ўрта Осиё давлат университетининг ректори, кейинчалик Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари этиб тайинланади, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси ва республика Олий Совети депутати этиб сайланади.

С. Умаров 1943 йили республика академикларининг қалдирғочлари сафида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланади. 1945 йилдан яна университетга раҳбарлик қила бошлайди. Университет профессори, ректори сифатида у истеъдодли ёшлар билан ишлашда фаол иштирок этади ва уларни ўқиш учун мамлакатнинг йирик илмий марказларига йўллайди.

1956 йили С. Умаров Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институти директори этиб тайинланади. Бу ерда у толанинг намлигини ўрганади, ярим ўтказгич асбобларнинг ишлаш назариясини тадқиқ этади. Бу ишлар институтнинг янги илмий йўналишига асос бўлиб хизмат қилади.

1957 йилдан С. Умаров Тожикистон ССР Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси ва президенти этиб сайланади ва Душанбега ишга ўтади. У Тожикистон ССР Фанлар академиясини ташкил этиш ва тиклаш жараёнига фаол қўшилиб, ўзининг бой тажрибаси, ташкилотчилик истеъдоди, сўнмас шижоатини бўлажак илмий йўналишларни, айниқса, физика-математика фанини ривожлантиришга, шунингдек, қардош республикалар олимлари билан ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратди. Унинг ташаббуси ва фаол иштироки туфайли мамлакатнинг етакчи илмий марказларида миллий кадрлар— физиклар, математиклар, сейсмологлар, геологлар, астрономлар ва жамиятшунослар тайёрланди. Тожикистон ССР Фанлар академиясида амалий ядро физикаси, электроника, ярим ўтказгичлар ва қаттиқ жисмлар физикаси, оптика ва ҳисоблаш-математика лабораториялари вужудга келди, уларнинг кўпларида марказий илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг мактабини ўтаган ёш олимлар ишлашди.

С. Умаров Тожикистонда фанга умумий раҳбарлик қилиш билангина кифоланиб қолмади, унинг ўзи муҳим илмий тадқиқотлар олиб борди. У Тожикистон илмий муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор берди. Унинг иштироки билан Душанбе астрономия лабораторияси Астрофизика институтига айлантирилди, бир қатор астрофизика станциялари ташкил этилди, Хисор районида Ўрта Осиёда йирик астрономия лабораторияси қурилиши бошлаб юборилди. Буларнинг ҳаммаси республикада астрономия бўйича тадқиқотлар ривожига катта туртки бўлди.

С. Умаров раҳбарлигида Тожикистон ССР Фанлар академияси сейсмологик тадқиқотларнинг иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги ва сейсмология институти территорияларни сейсмик районлаштириш бўйича ишларни бажарди, тоғ гидроэлектр станциялари ва саноат объектлари қурилиши учун, сейсмик жиҳатларни тадқиқ қилди. У республиканинг табиий бойликларини комплекс ўзлаштириш бўйича оқилона иш тутди.

С. Умаров жамиятшунослик фанининг ролини оширишга алоҳида эътибор берди. У, айниқса иқтисодий тадқиқотларни математик методлар билан қўлланишни жадаллаштиришга эришди.

С. Умаров тарих фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Фан классиклари ишларини нашр этишда таржима редактори ва илмий шарҳ муаллифи сифатида фаол иштирок этди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон фани тарихи ва олий таълими билан шуғулланди.

Физика-техника, Экономика, Ўсимликлар физиологияси ва биофизикаси институтларининг ташкил этилиши ва унинг илмий кадрлар билан мустаҳкамланиши, моддий-техника базаларининг вужудга келиши — С. Умаровнинг Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президентлик пайтидаги илмий ташкилотчилик фаолиятининг ёрқин мисолидир.

С. Умаровнинг Ўзбекистон ва Тожикистон фани ва таълимини ривожлантириш борасидаги фаол иши партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланган. У Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, кўплаб медаллар, Ўзбекистон ва Тожикистон ССР Олий Советлари Президиумлари Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Унга Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони берилган. Йирик олим ва фаннинг истеъдодли ташкилотчиси, жамоат ва давлат арбоби С. Умаровнинг номи Тожикистон ССР Фанлар академиясининг Физика-техника институтига берилган.

С. Умаровнинг илмий ва ташкилотчилик қобилияти, принципиаллиги ва талабчанлиги унинг чуқур инсонийлик ва камтарлик, халқнинг майин юморига меҳр, одамлар тақдирига чин юрақдан қизиқиш, айниқса, ёш олимларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш каби хислатлари билан узвий боғланган эди. Унинг ҳаёти СССР қардош халқлари тақдирида тарихий бирлик намоён бўлишининг, иттифоқдош республикаларнинг маданияти, фани, экономикасини ўзаро бойитишнинг ёрқин мисолидир, ленинча миллий сиёсат ғояларининг тасдиғидир.

С. АЗИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институти директори, академик.

«ОРОЛ—88» ЭКСПЕДИЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистонда яшаётган кишилар шу кунларда кузовига «Орол-88 экспедицияси» деган сўзлар ёзилган оқ «РАФ» микроавтобуслари карвонини кўрган бўлсалар керак. Публицистлар, ёзувчилар, олимлар, сув хўжалиги ходимлари иштирок этаётган бу сафарни Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети, СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ва СССР Халқ таълими давлат комитети билан биргаликда «Новый мир» ва «Помир» журналлари уюштирган бўлиб, экспедиция ўз олдига Орол муаммосини ва бутун региондаги турмушнинг барча жабҳаларида акс этишини батафсил ўрганиш вазифасини қўйган.

Экспедиция бундан уч ҳафта муқаддам Душанбеда иш бошлаган бўлиб, Ўрта Осиёдаги улуғ дарёлар бошланадиган тоғ чўққиларига чиқди, Фарғона ва Зарафшон водийсида, Мирзачўл ва Жиззах даштларида бўлди ва ниҳоят Тошкентга етиб келди.

19 сентябрь куни экспедиция иштирокчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида республика олимлари билан учрашдилар. Академиянинг президенти М. С. Салоҳиддинов, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси Ш. А. Акмалхонов, республика Фанлар академиясининг академиги С. К. Зиёдуллаев ва бошқа олимлар меҳмонлар билан Орол муаммоси юзасидан ва уни ҳал этиш имкониятлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар, кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтардилар.

(ЎзТАГ).

Тошкент областидаги «Пискент» совхозида узум узиш қизғин олиб борилмоқда. 263 гектар майдонда етиштирилган мўл ҳосил йиғиштириб олиниб, пешма-пеш эл дастурхонига етказиб берилаётир. Ҳисоб-китобларга қараганда хўжалик бу йил узумчиликдан 300 минг сўм фойда олиши кўзда тутилмоқда.

Суратда: хўжалик боғларида узум узиш пайти.

А. КОШКИН фотоси (ЎзТАГ).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ВА ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

Телевидениемизнинг бугунги ва эртанги куни кўп жиҳатдан икки муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ. Аввало ўзига хос телевизион шакларни ихтиро қилиш ва улардан ўз ўрнида фойдаланишни таъминлаш зарур. Зотан, Ўзбекистон телевидениесида тақлид қилиш кучли кўринади. Аҳвол малака, маҳорат масалалари билан жиддий шуғулланишни тақозо этади. Иккинчи масала, ТВ программасини тайёрлаш ва эфирга узатишда тамошабиннинг билвосита ва бевосита иштирокини таъминлаш билан боғлиқ. Кейинги пайтда телепрограммадан ўрин олган бир неча кўрсатувни шу икки муаммони назарда тутган ҳолда таҳлил қилиб кўрайлик.

Маълумки, ҳар бир телевизион шаклни танлашда конкрет ҳаётий материал моҳиятидан келиб чиқилади. Айниқса, ўз хусусиятларига эга бўлган ҳамда маданиятимизнинг у ёки бу соҳасида содир бўлаётган мураккаб воқеаларни, давом этаётган ижодий жараённи телевидениеда тўла-тўкис, силлиқламай, пардозламай кўрсатиш зарурлиги ўз-ўзидан маълум. Лекин, аслида бундай бўлмаяпти. Марказий телевидение қўллаётган «120 минут» (аввалги «90 минут») программасининг шакли Ўзбекистон телевидениесининг аввал тунги, кейинчалик эса тонги («Ассалому алайкум») программаси учун ишлатилибгина қолмай, ҳаттоки экран санъати муаммолари, ўзига хос воқеаларини ёритиш учун ҳам тўғридан-тўғри фойдаланилмоқда.

Бу ўринда изланиш эмас, тақлид қилиш биринчи планга чиқиб қолмоқда. Ваҳолонки, республика телевидение студиясида ижодий кучлардан унумли фойдаланиш йўлларини излаш, кадрлар малакасини узлуксиз ошириш ҳақида ўйлаш зарур. Ана шунда балки бошқа студия ихтиро қилган эстетик шаклни андаза қилиб олиш, уларга очиқдан-очиқ тақлид қилиш ҳақида эмас янги, кичик экранбоп воситаларни излаш, қўллаш одат тусига кирар эди. Ҳозирча эса бунинг акси бўляпти: «Ассалому алайкум», тунги программалар, «Кино, кино, кино...» телевизион блоки фақат шакл жаҳатдангина эмас, мазмун жиҳатдан ҳам оригиналикдан йироқ. ТВ ходимлари конкрет материалдан келиб чиқиб, уни тайёр «телевизион шакл»га солиш ҳақида эмас, ижодий изланиш, мустақил йўлдан боришга интилишлари керак, деб ўйлаймиз.

Баъзан эркин телевизион кўрсатувлардан мамнун бўламиз. Малакали, нозик дидли ТВ муаллифлари, режиссерлари, олиб борувчилари бор экан-ку, нима учун уларнинг тажрибалари ўрганилмайди, ижодий ўзлаштирилмайди, деган савол туғилади. Чунончи, оғизга тушган «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари»дан ташқари эфирга чиққан «Театр ва томошабин» («Театр и время») кўрсатуви географиясининг кенглиги, суҳбатларининг қизиқарлилиги, муаммоларнинг кўтарилиши услуби, студиядаги суҳбат, Москва ва Донецкда олинган лавҳалар билан оҳиста ритмда алмашиб туриши жиҳатдан таҳсинга сазовор.

Рус тилида олиб борилган ва Тошкентдаги Горький номли театрнинг гастроллари ҳақида ҳикоя қилувчи бу кўрсатувнинг яна бир жиҳатига газетхон эътиборини қаратмоқчимиз: суҳбат давомида ҳозирги талабчан томошабиннинг дидига мос келадиган саҳна асари яратиш зарурлигини замон талаб этаётгани қайд этиб борилди. Худди шу фикр Тошкент театри Донецк шахтёрлари ҳузурида бўлиши мисолида ҳам қайд қилинади. Фақат сўз билан эмас, тасвир, лавҳа, намойиш этилаётган парча кончилар томонидан кутиб олинишини кўрсатиш билан театрнинг фаолияти ҳамиша ўз мухлислари билан боғлиқ эканлиги таъкидланди.

Ўзбек тилида эфирга чиққан «Театр ва замон» кўрсатувида З. Муҳаммаджонов, Т. Азизов, Р. Иброҳимова каби таниқли актёрлар иштирок этган бўлса-да, йирик проблемаларни кўтаришга, спектакллардан олинган лавҳалар билан суҳбатни уйғунлаштириб юборишга имкон бўлмади. Бунга сабаб, бизнингча, кўрсатувни олиб боришни танлашда телевидениенинг хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Спектакль саҳнадан, намойиш этилаётган залдан, томошабинлардан ажратиб олинган ҳолда шарҳланади. Тажжубланарли жойи шундаки, кўрсатувга киритилган парчаларни кўрганимизда залдаги томошабинлар ҳаяжонланаётганини, саҳнадаги воқеаларга қарсаклар, кулги, ҳаттоки айрим лўкмалар билан ўз муносабатини билдираётганини сезиб турамиз. Кўрсатувнинг суҳбат қисми нега шу залда, томошабинлар ҳузурида ва бевосита иштирокида ўтмагани сабабларига тушуниб етмайсан, киши.

«Ҳазрати аёл» спектакли ва унинг томошабинлар томонидан кутиб олиниши масалалари қизиқарли ва айни бир вақтда, жиддий, юксак профессионал даражада яратилишидан саҳна санъати мухлислари ҳам, ўз ишини қайта қуриш учун тараддуд кўраётган театр учун ҳам фойдали бўларди. Эндиликда телеэкрандаги суҳбат иштирокчилари бир-бирларининг гапларини маъқуллаб, айрим ҳолларда эса бир-бирларини мақташ билан овора бўлмасдан, қайта қуриш машаққатлари ҳақида очиқ-ойдин фикр юритишларини, маъруза қилувчилар ўзаро мунозара қилишларини ҳам назарда тутади. Экранда фикрлар курашини кўрсатиш эса муаллиф, бошловчи, режиссёр, операторлардан катта маҳоратни, чуқур билимни, журъатни талаб этади. Катта лавозимдаги фахрли унвонли арбоблар билан баҳслашиш учун ҳақиқатан ҳам журъат, томошабин ҳузурида мураккаб муаммони ёритиш учун малака, ижодий-ижтимоий активлик, суҳбат мавзуига кенг қараш ва оқил, одил сўз айтиш зарур, деб ўйлаймиз.

«Она портрети» деб номланган яна бир кўрсатувга мурожаат этайлик. Тележурналистлар излангани, меҳнат қилгани сезилади. Л. Саримсоқова ҳаёти ва ижодининг турли босқичларини таъриф-лашга ёрдам берадиган хроникал кадрлардан қисман фойдаланилган, портрет чизишга кўмаклашадиган санъат арбоблари — актрисалар С. Эшонтўраева, И. Болтаева ва адиб Р. Файзий ҳикояларини, шунингдек, фильмлар ва спектакллардан олинган парчаларни кўрсатув тўқимасига шунингдек юборишга ҳаракат қилинган. Лекин мулаллиф ва режиссёр эфир орқали айрим маълумот, хабарларни берган бўлсалар-да, тўлақонли «Она портрети»ни яратишга, ижод муаммоларини илгари суришга эришмаган.

Кўрсатув (бинобарин, унинг фазилатлари ҳам, нуқсонлари ҳам) сценарийдан бошланганги сабабли биз ҳам таҳлилни ана шу адабий заминдан бошлаймиз.

Ишончимиз комилки, вақти келиб телекўрсатувларнинг сценарийлари алоҳида тўпламларда чоп этилади. Зеро, у бир вақтнинг ўзида адабиёт ҳам ТВ асари бўлиши мумкин. Бинобарин, сценарий тексти адабиёт қонун-қоидаларига биноан ёзилиши, муҳим масалаларни илгари суриши, ихчам, мукаммал композицияга эга бўлиб ТВ воситалари билан бойитилиши керак ва зарур. Ҳозирча бундай мукаммал ёзилган сценарийлар жуда оз. Шундай экан, сценарийдаги нуқсонларни телекамера ҳамда электрон монтаж, тасвир ҳамда овоз, бошловчининг маҳорати ва тайёр асарлар — фильмлар, спектакллар, цирк аттракциони, бошқа томошалардан олинган лавҳалар билан бартараф этиб бўлмайди.

Биз фикр юритаётган «Она портрети» кўрсатувидаги нуқсонлар кўп жиҳатдан сценарийда бош мавзу аниқ белгиланмаганида, тасвир ва овоз бир-бирини тўлдириши, изоҳлаши назарда тутилмаганидек, ўзига хос бадиий шакл топилмаганида. «Она портрети» деб аталган кўрсатувда «Холисхон» спектаклидаги Мастура сатанг(!), «Насриддин Бухорода» кинокомедиясидаги амир лагонбардори, саройнинг собиқ хизматкори(!), «Фарҳод ва «Ширин»даги ёвуз ниятли Ёсуман(!) образлари Л. Саримсоқова ижросида намоён бўлди. Бу салбий персонажлар тележурналистларга «Она портрети»ни чизишга ёрдам бермаганлиги ўз-ўзидан маълум.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, актриса кинода («Қасам», «Фарзандлар», «Осиё устида бўрон» каби фильмларни назарда тутмоқдамиз) хўрланган, эзилган, танҳо қолган аёл образи устида ишлаб келди. Кинодаги роллари кўпинча бир хил бўлди. Саҳнада онанинг меҳри, муҳаббати, иродаси, бахти, фожиаси, бой маънавий дунёсини оча билган Л. Саримсоқованинг кинодаги ижоди бу қадар самарали бўлмади. Ҳозир — кино ишлари қайта қурилаётган дамда Л. Саримсоқованинг ижоди билан боғлиқ бўлган проблема ҳақида атрофлича фикр юритиш лозим эди.

Кўрсатув давомида намойиш этилган «Барҳаёт Ҳамза», «Ая» ва бошқа ҳужжатли фильмлардан, эски хроникадан олинган лавҳалар ҳаётийлиги жиҳатидан шубҳа уйғотмайди. Лекин «Она портрети» титрини ҳамда Лутфихон аянинг ижоди билан боғлиқ бўлган проблемаларни назарда тутсак, бундай кадрлар ўрнини мутахассисларнинг мушоҳадалари, таҳлили, ая истиқомат қилаётган уйда, ижод этган театрда шогирдлар иштирокида ташкил этилган суҳбатлар эгалламаганидан афсусланамиз.

Шундай фикрларни телепрограммадан ўрин олаётган кўпгина кўрсатувлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

«Ассалому алайкум» кўрсатувида машҳур санъаткор А. Зархининг таваллуди муносабати билан айтилган енгил-елпи гапларни тинглаганингда ажабланасан киши: ахир бу режиссёрни яқиндан биладиган ўзбек режиссёрлари бор-ку, Зархи ижоди мисолида санъаткорнинг ижтимоий активлиги, билим доирасининг кенг бўлиши зарурлиги ҳақида, долзарб масалаларни ёритиш йўллари, ижодий ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида бир саҳифа чегарасида ҳам чуқур фикр юритиш мумкин эди-ку. Бундай профессионал таҳлил у ёқда турсин, номи оламга таралган режиссёрнинг фамилияси ҳам тўғри талаффуз этилмади.

Томошабинлар эътиборига ҳавола этилган «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатуви Самарқанд областига, унинг ҳал этилмаган муаммоларига бағишланди. Мазкур туркум устида қунт билан ишлаётган тележурналистлар бу гал ҳам ўз услубларига содиқ қолганлар ва бир қатор долзарб масалалар юзасидан чуқур фикр юритганлар, ўзбек хотин-қизларининг ҳаётида айрим ҳолларда рўй бераётган фожиали воқеаларнинг туб моҳиятига тушуниб етишга кўмаклашадиган муҳим маълумотлар келтирганлар, бир-икки аёлнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилганлар.

Ўзига олов қўйишга мажбур бўлганларнинг кундалик ҳаётида аянчли кунлар, ҳақоратлар, камситишлар кўп бўлгани ҳақида телевизор экранида эҳтимол биринчи марта — афсуски анчагина кечикиб(!) айтилдики, бу фактни алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур. Чунки бу мавзуда очиқ фикр юритиш, тарбиявий ишларни «зангори экран» орқали олиб боришда ҳақиқатни бузмаслик, зиддиятларни силлиқламаслик қанчалик фойдали эканлиги маълум бўлди.

Мазкур кўрсатувнинг мундарижаси бир мунча чекланиб бораётганини, олиб борувчи эса ахлоқ, тарбия, хотин-қизлар масалаларига бағишланган лавҳаларда интилиш кўрсатаётгани ҳолда медицина, аҳолини сув билан таъминлаш, суд ишлари билан боғлиқ бўлган ва шу каби саҳифаларда ўзини эркин ҳис этмаётгани кўзга ташланмоқда. Кўрсатувнинг ижтимоий таъсир кучини ошириш ҳақида, айрим ҳоллларда лавҳаларнинг мавзусига қараб, конкрет материалнинг моҳиятидан келиб чиқиб ТВ вазифасини бажаришга қодир бўлган юрист, шифокор, инженернни излаш, улар билан телекамера ёнида сидқидилдан ишлаш ҳақида ўйлаш керакмикин?

Қайта қуриш даврида ижодий кучлардан кенг ва ўринли фойдаланиш ҳақида, кўрсатувларда мақтовлар ўрнини баҳслар эгаллаши, танқидий фикрни рўйи-рост айта оладиган у ёки бу мутахассисларнинг имкониятларини ишга солиш ва, энг муҳими, томошабинлар билан узвий алоқа ўрнатиш керак деган фикр-мулоҳазаларимизни айтишни зарур деб билдик.

Ҳ. АКБАРОВ,
филология фанлари доктори.

Дунё овози

МЮНЬХЕН БИТИМИ—ЖАҲОН УРУШИНИНГ БОШЛАНИШИ

Совет тарихчиларининг 19 сентябрь куни Москвада «Мюньхен битимининг 50 йиллиги» мавзуида ўтказган матбуот конференциясида иккинчи жаҳон уруши бошланишининг сабаблари ва манбалари ҳақида гап борди.

АПН правлениесининг раиси, тарих фанлари доктори В. М. Фалин совет ва чет эл мухбирлари ҳузурида сўзлаб, 1938 йил 29 сентябрь куни Чехословакияни парчалаш тўғрисида Буюк Британия, Франция, Германия ва Италия ўртасида битим имзоланганлиги Европанинг сиёсий қиёфасинигина ўзгартириб қолмай, айни вақтда жаҳон миқёсида тарихнинг боришига ҳам таъсир ўтказганини уқтирди. Ўша пайтда Германия агрессиясини тўхтатиб қолиш ва шу тариқа иккинчи жаҳон урушининг олдини олиш учун реал имконият бор эди, аммо бошқа йўл танлаб олинди. Мюньхен битимининг имзоланиши Германияни Европада ҳарбий ҳаракатларга кенг миқёсда ҳозирлик кўришга руҳлантирди.

Кўпгина архив ҳужжатлари қўлимизга тушган ҳозирги пайтда Мюньхен битими ўйламасдан қилинган иш бўлди деб айтиб бўлмайди, деди сўзини давом эттириб тарихчи. Мазкур тўрттала давлат 1933 йилдаёқ шунга ўхшаш ҳужжатни қабул қилган эди, аммо у Францияда ратификация қилинмай қолди. 1938 йилги битимга Германия ҳам, Ғарбдаги демократик мамлакатлар ҳам тайёргарлик кўрган эдилар. Масалан, Гитлер Совет Иттифоқини тормор қилмагунча Ғарбга қарши уруш бошламаслигига Англия билан Франция қатиқ ишонар эдилар. Бу соҳада Британиянинг ўша пайтдаги дипломатияси катта хатоларга йўл қўйганлиги равшан бўлиб қолди. Британия дипломатияси дунёдаги таъсир доираларини тақсимлаб олишгача ҳам Англия билан Германиянинг ҳамкорлик қилиши имкониятларини чамалаб кўрди. Шу боисдан ҳам у Германиянинг урушсиз Чехословакияни босиб олишига индамай рози бўлди, бунда у фашизм Европага СССРдан коммунизм ғояларини киришининг ишончли қалқони бўлиб қолади деб, ўйлади.

Гитлернинг Мюньхен битими билан боғлиқ режалари бошқача эди. Чехословакия унинг агрессив сиёсати йўлидаги тўсиқ бўлиб турган эди. Биринчидан, у ҳарбий жиҳатдан кучли давлат эди. Иккинчидан, Европада жуда муҳим стратегик мавқеини эгаллаб турарди. Гитлер Австрияни қўшиб олиб, Чехословакияни босиб олгач Польшани осонгина енгиши, сўнгра эса Совет Иттифоқига ҳужум қилиши мумкин эди.

Шундай қилиб, деб таъкидлади нотиқ, Мюньхен битими Чехословакияга ва Совет Иттифоқига қарши пухта режалаштирилган ифвогарлик иши бўлган эди.

Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ГАВАНА**

Доминикана Республикаси ҳукумати Гаитида ҳарбий тўнтариш натижасида ағдариб ташланган генерал Анри Намфига сиёсий бошпана берди. Лотин Америкасидаги бу мамлакат ҳукуматининг вакили Санто-Домингода журналистларга шу ҳақда маълум қилди. У ерга Намфи билан бирга Гаити пойтахти ҳокими, диктатор Жан-Кло Дювальенинг ўтмишдаги сафдошларидан бири Франк Ромэн ҳам келди. Шанба куни ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимиятни қўлга олган генерал Проспер Авриль ўз вақтида ағдарилган диктатор Дювальенинг шахсий қўриқчиси бўлган эди. У айни вақтда телевидение орқали сўзга чиқиб, «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга», «миллий яраш йўлида мулоқот» бошлашга ваъда берди.

● **ПАРИЖ**

Француз коммунистлари ҳукуматнинг ҳар қандай ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва унинг меҳнаткашлар манфаатларига зид бўлган ҳаракатларига қарши курашиш ниятидадирлар. «Европа-1» радиостанциясининг эшиттиришида сўзга чиққан ФКП бош секретари Жорж Марше шу ҳақда гапирди. У яқинда мамлакатда бўлиб ўтган президент сайлови ва миллат мажлисига сайловдан сўнг сўл кучлар сиёсатини ўтказиш имконияти мавжуд эди, лекин социалистик партия центрист доиралар билан ҳамкорлик қилишни афзал кўрди, деб таъкидлади. ФКП раҳбари шу сабабли коммунистлар янги ҳукуматга кирмай қолганликларини айтди. Шу билан бирга у Франция коммунистик партияси ҳокимиятнинг маҳаллий органларида, жумладан келгуси йил баҳорда муниципал сайловда социалистлар билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканлигини айтди.

(ТАСС).

АФҒОНИСТОН:

Қочоқлар қайтмоқдалар

Афғон экстремистлари яна бир жиноят қилдилар. Бахтар агентлигининг хабар қилишига қараганда, улар Жалолобод шаҳрининг уй-жой кварталларини «ер-ер» типидаги ракеталари билан ўққа тутдилар. Бу ваҳшиёна хатти-ҳаракат натижасида бир аёл ва бир гўдак ярадор бўлди, катта моддий зарар етди.

Хавфсизлик органларининг ходимлари Афғонистон пойтахтида иккита портлашнинг олдини олдилар. Афғонистон армиясининг бўлинмалари муросасиз оппозициянинг қуролли бўлинмаларини тугатиш юзасидан операцияларни давом эттирмоқдалар.

Оппозициячилар орасида тўқнашувлар тўхтамаяпти. Олинган хабарларга қараганда, яқинда талаб олинган молмулкни тақсимлаш чоғида бир қанча тўдаларга қарашли гаҳандалар орасида тўқнашув чиққан. Бу тўқнашувда ўнлаб кишилар ҳалок бўлди.

Сўнгги бир неча кун ичида Афғонистонга қочоқларнинг икки юзга яқин оиласи қайтиб келди. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, ватанига қайтиб келган одамларга уй-жой ва кундалик зарур моллар билан тегишли ёрдам берилган.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Алоқа министрлиги

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

1988-1989 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ТЎЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ИЛҒОР КОЛХОЗЧИЛАР ВА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАНЛАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИ, ГЕОЛОГИЯ-РАЗВЕДКА ТАШКИЛОТЛАРИ, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР, ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРНИНГ ҚУМОНДОНЛИҚЛАРИ БЕРГАН ЙЎЛЛАНМАЛАР АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимида ўқиш учун йўлланмалар айни пайтда иш стажи камида икки йил бўлган шахсларга берилади. Амалий иш стажи тегишли корхона (колхозда) ишчи ёки колхозчи вазифасида сўнгги бир йил давомида узлуксиз бўлиши лозим. Тайёрлов бўлимига қабул қилишда шотирд сифатида ишланган вақт ҳисобга олинмайди.

Ўқишга йўлланган колхозчилар йилнинг ҳар бир кварталида мазкур колхоз учун белгиланган меҳнат куни миниумини бажарган бўлишлари зарур.

Камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, аммо кундузги ўрта мактабни 1987-1988 ўқув йилида тамомлаган кишилар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, йўлланма (2 ёки 1,4-илова), ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асли) иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари тасдиқлаган кўчирма, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см).

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Математика ва физикадан суҳбат 20-25 ноябрь кунлари бўлади.

Тингловчилар сафига қабул қилиш — 25-30 ноябрь кунлари ўтади.

Тайёрлов бўлимини тамомлаб имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институтнинг кундузги бўлимига 1 курсга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганларга ойига 40 сўм миқдорида стипендия, бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Адрес: 700087, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй. Тайёрлов бўлими деканати. Телефон: 35-36-06.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида чоп этди.

К. Маркс. Францияда гражданлар уруши. 116 бет. Баҳоси 20 тийин.

Китоб илмий коммунизмнинг энг муҳим асарларидан биридир. Унда Париж Коммунаси тажрибасини умумлаштириш асосида синфий кураш, давлат, революция ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги марксистик таълимотнинг асосий қоидалари янада ривожлантирилган.

В. И. Ленин. Бир қадам олға, икки қадам орқага. 236 бет. Баҳоси 40 тийин.

Асар марксча-ленинча назарияни ривожлантиришда пролетар партияси тўғрисидаги таълимотни ривожлантиришда муҳим босқичдир. Бу асарда халқаро оппортунизмнинг бир тури бўлган ташкилий оппартунизм, меншивизм марксизм тарихида биринчи марта батафсил танқид қилинган, ташкилотнинг аҳамиятини камситиш ишчилар ҳаракати учун айниқса хавфли эканлиги кўрсатиб берилган.

В. И. Ленин. Мусобақани қандай уюштириш керак? Буюк почин. 40 бет. Баҳоси 5 тийин.

В. И. Ленин 1917 йил декабрида ёзган бу мақоласида фақат социализмдагина оммавий мусобақа йўлга қўйилиши мумкин, деб таъкидлади. «Буюк почин»да шанбаликларнинг аҳамияти ҳар жиҳатдан таҳлил этилади, социализм қурилишини бошлаб берган омманинг тажрибаси умумлаштирилади.

В. И. Ленин. Пролетариат диктатураси даврида экономика ва сиёсат. 16 бет. Баҳоси 3 тийин.

Асарда Ленин дунёдаги биринчи социалистик давлатнинг тажрибасини умумлаштиради, пролетариат диктатураси ғалабасининг тарихий аҳамиятини кўрсатиб беради.

В. И. Ленин. Сўнгги хатлар ва мақолалар. 72 бет. Баҳоси 10 тийин.

Тўпламга В. И. Лениннинг 1922 йил декабрь — 1923 йил мартида ёзилган хатлари ва мақолалари киритилган. Унинг сўнгги хатлари ва мақолаларидаги кўрсатмалари партиянинг XII съезди, РКП(б) нинг XIII конференцияси ва XIII съезди қарорларига асос қилиб олинди.

Авторлар коллективи. КПССнинг ташкилий устав масалалари. 256 бет. Баҳоси 30 тийин.

Бу нашр партиямиз XXVII съезди материалларини, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши масалаларига доир қарорларни ҳисоба олган ҳолда тайёрланган.

Р. Тэлль. Ягона, ҳур оилада. 112 бет. Баҳоси 35 тийин.

Бу ҳужжатли очерклар тўпламида турли миллат кишилари — меҳнаткаш, жасоратли, қалбан сахий, ўз ишини севувчи замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мукофотларига номзодлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника бўйича Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети айни пайтда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мукофотларига ишларни қабул қилади.

Мукофотлар халқ хўжалигини ривожлантиришда энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган юксак самарали маҳсулотлар, илғор технология ва янги материаллар яратган ва ўзлаштирган, меҳнат унумдорлигини оширган, илмий-техника тараққиётини жадаллаштирган, моддий, ёнилғи-энергетик, меҳнат ва хом ашё ресурсларини тежаган, атроф-муҳитни муҳофаза этишни таъминлаган, ишлаб чиқаришни эпчил автоматлаштирган, энергияни кам сарфлайдиган машиналар, ускуналар, энергияни тежайдиган технологиялар, қурилиш конструкциялари, бинолар ва юқори даражали ҳароратни таъминловчи иншоотлар, реконструкциялашнинг иқтисодий лойиҳалари ва корхоналарни техник қуроллантиришга боғлиқ бўлган ишларга берилади.

Республика илмий-техника программаси топшириқлари бўйича ишланган пахтачилик, мева-сабзавотчилик, ипакчилик, чорвачилик, паррандачилик учун машиналар, қурилмалар ва ускуналарга, қабулни механизациялаш ва автоматлаштиришни таъминловчи пахта ҳосилини, канопни сортларга ажратиш ва қайта ишлаш назорат-ўлчов асбоблари комплексларига, шунингдек, заҳарсиз дефолиантлар ва улардан фойдаланиш бўйича машиналар системасига, қайта шўрланишга қарши кураш технологиясига, чўл ва чала чўл зоналаридаги озуқа базаларини яхшилашга, гелиотехникани ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларни суғоришнинг илғор усулларига, саноат чиқиндилари ва иккинламчи хом ашёлардан файдаланиш борасидаги ишланмаларга алоҳида афзаллик берилади.

Бу мукофотларга номзодликка тақдим этиладиган ишлар ўзининг техник даражаси ва сифатига объектив баҳосини олиши учун илмий-техника жамоатчилигини кенг жалб этиш мақсадида СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ёки Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида албатта, намойиш этилиши шарт.

Аниқ ишланма учун бир вақтнинг ўзида мукофотга тақдим этиш ҳақидаги қарор ҳар бир коллектив, ташкилот, корхона, уни яратиш ва жорий этишда бевосита иштирок этувчилар эътиборига етказилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бир вақтда бериладиган мукофотларига ишлар ва номзодларни тавсия этиш ташкилот, бирлашма ёки корхона маъмурияти, партия ва касаба союз комитетларининг биргаликдаги қарори билан амалга оширилади. Тавсия этиш муҳокамаси ҳар бир тадқиқотчининг ижодий ҳиссаси аҳамиятига юксак талабчанлик билан баҳо бериш, уни холис ва батафсил кўриб чиқиш руҳида ўтиши керак. Ишларни тавсия этишдан олдин муассаса ва ташкилотлар, олимлар ва илмий-техника кенгашларининг кенгайтирилган мажлисларида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтиши шарт.

Ишлар 1988 йил 15 декабргача қабул қилинади.

Мукофотларга номзодларни қўйиш шарти билан боғлиқ масалалар бўйича Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетига қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70-уй, 7-хона, телефон: 33-74-82.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

24 ОКТЯБРДАН 11 НОЯБРГАЧА

«ТОШКЕНТ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА **БОЛТИҚБЎЙИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТГА**

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Саёҳат маршрути: ТОШКЕНТ-ХАРЬКОВ-МИНСК-БРЕСТ-ВИЛЬНЮС-КАУНАС-КАЛИНИНГРАД - НОВГОРОД-РИГА-ТАЛЛИН-ЛЕНИНГРАД (2 КУН)-ТОШКЕНТ

Нисбатан қисқа муддат ичида Сиз Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарларда бўлиб, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига борасиз, шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, маданият ва табиат ёдгорликлари билан танишасиз.

Йўл ҳақи, купели вагонда яшаш, вагон-ресторанда овқатланиш, экскурсия хизмати йўлланма баҳосига киради.

Барча масалалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси 69-«а» уй. («Пахтакор» метро станцияси).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МЕДАЛЛАР КЎПАЙМОҚДА

◆ Беш кундирки, Олимпиада машъаласи ловуллаб турибди. Ғолиблик учун кураш эса тобора кескин ва муросасиз давом этмоқда. Олимпиадачи номини олган ҳар бир спортчи ўзининг бутун маҳорати ва имкониятини ишга солган ҳолда совринли ўринлардан бирига астойдил даъвогарлик қилмоқда. Уч кун мобайнида эса олтин, кумуш ва бронза медаллардан иборат 12 комплект соврин эгаларини топди. Совриндорлар эса жами 237 комплект медални ўзаро «баҳам» кўришлари лозим.

Спортнинг ҳар бир тури бўйича ўтказилаётган ҳал қилувчи баҳсларда медалларнинг қадри ортиб бориши табиий. Тбилисилик Нино Салуквадзе ҳам ғолиблик супасига кўтарилиш, кўксига олтин медаль тақиш ҳақида ўйламаган экан. Лекин у маҳорат билан курашиб, совет спорти шарафини астойдил улуғлашга аҳд қилгани аниқ. Умуман, Сеул спортчимиз учун омадли жой бўлиб қолди. Бойси, ўтган йили Нино жаҳон кубогини шу ерда қўлга киритган эди. Бу сафар эса пистолетдан нишонга олиш бўйича 690 очко жамғариб, Олимпиаданинг катта олтин медалига эга бўлди. Баскетбол ва волейбол бўйича баҳсларда ҳам вакилларимиз муваффақиятли қатнашмоқдалар. Баскетболчи қизларимиз болгариялик тенгқурларини 91:62 ҳисобида енгишган бўлса, волейболчи йигитлар Швеция ва Болгария командаларини 3:0 ҳисобида маглубиятга учратдилар.

Моҳир оғир атлетикачи Оксен Мирзояннинг бу сафар омади юришмади. У 56 килограмм вазнли полвонлар қатори баҳслашиб, ғолибдан 5 килограммга ортда қолди. Болгариялик М. Граблев икки курашда 297,5 килограммли натижа билан зафар қучди. Яна бир болгар оғир атлетикачиси олтин медалли бўлди. С. Маринов 52 килограмм вазнли спортчилар қатори тош кўтаришда 270 килограммли натижага эришиб, жаҳон ва Олимпиада рекордини ўрнатди.

Боксчилар эса саралаш мусобақаларини давом эттирмоқдалар. Ҳозирча совет чарм қўлқоп усталаридан тўрт нафари курашни давом эттириш имконига эга бўлиб турибди. А. Артемьев, Т. Скрябин, К. Цзю ва В. Яновскийларга мухлислар умид боғлашмоқда. Спорт гимнастикаси эса энг қизиқарли мусобақалар қаторида турибди. Аёлларнинг мажбурий программа бўйича баҳсидан кейин СССР, Руминия, ГДР командалари олдинда бормоқда. Шахсий ҳисобда руминиялик Д. Силиваш билан гимнастикачимиз Е. Шушунова медалларга даъвогарлик қилишмоқда.

Мовий йўлкалар бўйлаб маҳорат кўрсатиш ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Юз метрга эркин усулда сузган Кристин Отто (ГДР) биринчи ўринни олди. Ленинградлик Е. Дендеберова эса 400 метрга комплекс сузиш бўйича тўртинчи натижа кўрсатди. Йигитлар ўртасида 100 метрга брассча сузган москвалик Д. Волков бронза медалига даъвогар.

Минглаб спортчилар истиқомат қилаётган Олимпиада шаҳарчасида эса ўзига хос гапларни эшитиш мумкин. Маълум бўлишича, Жанубий Корея спортчиларини овқатлантириш учун бугунгача минглаб илонлар қозонга солинган. Биргина футболчи Чхве Сун Хо 50 та илон таомидан баҳраманд бўлди. Бундай таомлар спортчиларга омад келтирармиш. Зеро, спортчилар ўртасида қовурилган жўжаларга эҳтиёж катта. Африка олимпиадачилари эса ширинликка ўчликда ўзларини кўрсатишмоқда. Европа мамлакатлари спортчилари эса қора кофени маъқул кўришмоқда.

Олимпиадада қарийб 14 минг спортчи қатнашаётган бўлса, шундан 148 нафари дароз экани аниқланди. Уларнинг бўйи 2 метрдан баландроқ. Чунончи, баскетболчи аёллар ўртасида хитойлик Жэн Хайсэ икки метру тўрт сантиметрли бўй-боши билан дарозлар ўртасида биринчи бўлиб турибди. Энн Донован (АҚШ)нинг бўйи икки метру уч сантиметрга тенг.

Ёзги Олимпиада иштирокчилари бугун яна 13 комплект медаль учун баҳс юритадилар. Сузиш, велопойга, бокс, оғир атлетика, спорт гимнастикаси мусобақалари қаторига қиличбозлик ҳам қўшилади.

Ҳ. НОСИРОВ.

Пойтахтимиз меҳмонлари

ЯНГИ УЧРАШУВ

Бир неча кундирки, Тошкентда Москва циркининг артистлари ўзларининг янги программасини намойиш этмоқдалар. «Ёркин халқа саҳнаси» деб номланган бу цирк спектаклини кўрсатишда цирк санъатининг деярли барча жанрлари ижрочилари қатнашади. Санъат мухлисларида, айниқса, РСФСР халқ артисти Е. Майхровский, РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар М. Петрова, Б. Манжелли, Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати В. Маялковскийларнинг ўйинлари, номерлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) 1. Масхарабоз Май ролида Е. Майхровский. 2. Н. Сичинская халқада ўз этюдини бажармоқда.

А. НАЙМУШИН фотолари (ЎзТАГ).

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

МУЪЖАЗ КОМПЬЮТЕР-ТАРЖИМОН

Ўқинг, қизиқ

Сиз чет элга туристик ёки иш юзасидан саёҳатга чиқмоқчимисиз! Саёҳатга жўнаб кетиш учун ўзингиз билан луғат эмас, мўъжазгина компьютер-таржимонни олсангиз, шунинг ўзи кифоя. Бегона мамлакатда касалхонага тушиб қолдингизми! Ҳечқиси йўқ. Сизга компьютер ёрдам беради. У орқали врач билан бемалол гаплашишингиз мумкин. Сиз бошқа мамлакатга телефон қилмоқчимисиз! Шаҳарлараро телефон станциясидаги компьютер сўзларингизни ҳамсуҳбатингизга таржима қилиб боради, сизнинг жавобларингизни эса у ўз она тилида қабул қилади. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССНАБИ ПАВИЛЬОНИДА 28 СЕНТЯБРГАЧА СССР Госснабнинг «ИККИЛАМЧИ РЕСУРСЛАР — ЭКОНОМИКА РЕЗЕРВИ» КЎРГАЗМАСИ ИШЛАЙДИ.

21 сентябрь соат 10 дан 14.00 гача семинар, иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш масалаларига бағишланган думалоқ стол атрофида давра суҳбати ўтказилади.

Министрликлар, идоралар, корхоналар, Ўзбекистон ССР Госснаби область бошқармаларининг мутахассислари таклиф қилинадилар.

Справкалар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 41-07-54, 41-24-43, 41-15-71.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА **23 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА СССР 51-чемпионати учун** «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «КОЛОС» (Никополь) **1-лига командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

ТАНАФФУС ВАҚТИДА СПОРТ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙНАЛАДИ.

Серияларнинг номерлари 046001 дан 048000 гача.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Янгидан ташкил этилган «УЗЛИФТРЕМОНТ» РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР территориясидаги пассажир, касалхона ва юк ташиш лифтларига эга бўлган ташкилотлар билан лифтларни ремонт қилиш ва техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, кўчириш ва монтаж қилиш учун

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700057, Тошкент шаҳри, Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 155-уй. Телефон: 34-69-69.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/IX да **Оққуш кўли**, 22/IX да **Оловли фаришта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IX да **Парвона** (19.00), 22/IX да **Драматик антёрлар куйлайди.** (18.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва артистлари иштирокида янги программа** (21, 22, 23/IX да 19.30 да).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи институт катта илмий ходими А. Аҳмедова отаси.

Акром АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• Тингланг, томоша қилинг •

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Мультфильмлар. 9.25 — Инсон институти. 10.30 — Янгиликлар. 10.40 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 12.00 — Сен ҳақингда ва ўзим ҳақимда. 12.45 — Янгиликлар. 12.55 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Концерт. 16.15 — Тожикистон телевидениесининг программаси. 17.05 — Қувноқ камалак. 17.35 — Фантазёрлар. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Сиз яратган боғ. 18.45 — Дунё воқеалари. 19.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 01.20 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Физика. 12.05 — Немис тили. 13.05 — «Бўри уяси». Бадиий фильм.

21 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

2-серия. 14.25 — Янгиликлар. 14.35 — Ҳужжатли фильмлар. 17.20 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 20.00 — Хайрли тун, қиз. 20.15 — Кимнинг навбати? 20.45 — Ешлик куйлайди ва рақсга тушади. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Бўри уяси». Бадиий фильм. 2-серия. 22.50 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I 15.30 — Фильм-концерт. 15.55 — «Олтинлар». Бадиий фильм. 17.30 — Рус адабиёти. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — Ёшлик. 18.45 — Ёзувчи ва замон. 19.30 — Социалистик қонунчилик ва демократия. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Долзарб интервью. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Концерт. 22.35 — «Йўлдаги қуришлар». Бадиий фильм. 2-серия.

ЎзТВ-II. 19.00 — «Бир тун хроникаси». Бадиий фильм. 20.20 — Фан уфқлари. Фрунзе. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Шибеге. 22.05 — «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Бизга мактуб йўллабсиз. 9.30 — А. Олимов куйлайди. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубларнинг янгиланиши. 10.15 — Хўжалик ҳисоби: тажриба, муаммолар, ечимлар. 10.40 — Қармоқ. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 12.30 — Концерт. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Я. Иола куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Ёзувчилар — болаларга. М. Карим. «Мунавварга эртаклар ёки Нўҳот полвоннинг саргузаштлари». Эртак-поэмадан парча. 15.50 — Сиёсий суҳбатлар. 16.00 — «Қизил! Сариқ! Яшил! 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — М. Бурхонов ва С. Бобоев асарлари. 19.20 — Аланга. 19.40 XIX партия конференцияси: янгиланиш йўли. 20.15 — Талабларга биноан концерт (қрим татар тилида). 21.00 — Она табиатни эъзозлайлик. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.40 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинларида. 23.00 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 23.45 — Рақс оҳанглари.

Р — 10980. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 217. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12